


К-44

Р. КИПЛИНГ




РИККИ-
ТИККИ-
ТАВИ

Р К И П Л И Н Г



Р И К К И -
Т И К К И -
Т А В И



07

БИБЛИОТЕКА КИТА
ДНЕ. № 73162

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
„Ёш гвардия“ нашриёти
ТОШКЕНТ — 1964

Машҳур инглиз ёзувчиси Редьяр Киплинг китоблари ўқувчилар ўртасида кенг тарқалган. Ёзувчи табиатдаги турли ҳодисалар ва ҳайвонот дунёси ҳақида жонли, қизиқарли ҳикоя қилади.

Болалар! Сиз қўлингиздаги китобчани ўқир экансиз, энг биринчи хат қандай ёзилгани, от ва сигирнинг нима учун уй ҳайвони ва филнинг хартуми нима учун узунлигини биллиб оласиз.

Русчадан *Анвар Каримов* таржимаси
Шеърларни *Эркин Воҳидов* таржима қилган

Киплинг Р.

Рижки-Тижки-Тави. (Русчадан Анвар Каримов таржимаси. Шеърларни Эркин Воҳидов таржима қилган). Т., «Ёш гвардия», 1964. 156 бет. (Кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун).


Киплинг Р. Рижки-Тижки-Тави. (Сказки).

И (АНГЛ)

ҚИЛТОМОҚ КИТ ҲАҚИДА



Кичкинтой ўқувчим, мен бир қанча эртақлар айтиб бераман. Сен эътибор билан эшит. Бор экан-у, йўқ экан, жуда қадим замонда битта Кит бўлган экан. Кит денгизда сузаркан ва балиқ тутаркан. Лаққа балиқни ҳам, оқ балиқни ҳам, сельдь балиғини ҳам, чавақни ҳам, пачақни ҳам еяверар экан. Қандай балиқ



дуч келмасин, лиққа-лиққа ютаркан. Шундай қилиб денгизда биттаю битта Тиканак-Балиқча омон қолибди. Тиканак-Балиқча жуда айёр экан. Кит уни ютиб юбормаслиги учун сал орқароқда, Китнинг ўнг қулоғи яқинида сузиб юарқан. Балиқча шундай қилиб, ўзини ажалдан сақларкан.

Кунлардан бир кун ўша Кит бошини сувдан чиқазиб:

— Қорним оч, овқат ейман! — деб ҳайқирибди.

Шунда Тиканак-Балиқча ўзининг ингичка овозида устомонлик билан:

— Эй, олижаноб, мурувватли зот, умрингда одам еб кўрганмисан? — дебди.

— Йўқ, — деб жавоб берибди Кит, — унинг мазаси қанақа бўлади?

— Жуда ҳам ширин бўлади, — дебди Балиқча, — ширин-у, бироқ еганингда сал тикани ботади-да.

— Ундай бўлса, менга ўша одамнинг беш-олтита-сини келтир, — дебди Кит ва қуйруғи билан сувга уриб, ҳамма ёқни кўпик қилиб юборибди.

— Биттаси ҳам бўлади сенга, — дебди Тиканак-Балиқча, — эллик градус шимолий кенгликка, қирқ градус ғарбий узунликка сузиб борсанг (ёдингда тут, бу сўзлар сеҳрли); денгизнинг ўртасида битта сол кўрасан. Унда Денгизчи ўтирибди. Унинг кемаси сувга чўкиб кетган. Эгнида бўздан тикилган кўк иштони-ю, подтяжкеси (подтяжкани эсингдан чиқазма, дўмбоғим) ва ов пичоғи бор экан. Лекин сенга шунини айтиб қўяй: у одам жуда тадбирли, доно ва жасур.



Кит шошилганича Балиқча айтган томонга қараб сузиб кетибди. Сузиб-сузиб охири қирқ градус ғарбий узунлик ва эллик градус шимолий кенгликка етиб келибди. Бундай қараса, чиндан ҳам денгизнинг ўрта-сида сол, унда Денгизчининг ёлғиз ўзи ўтирганмиш. Денгизчининг эғнида фақат кўк бўз иштони, подтяж-каси (подтяжкани унутма, азиз ўқувчим), белбоғида пичоғи бормиш, холос. У солда ўтирганича оёқлари-ни бемалол сувга солиб кетаётган эмиш. (Онаси унинг оёқларини сувга солиб, шалоплатишига рухсат берган экан, агар онаси рухсат бермаганда у ҳеч ҳам бундай қилмаган бўларкан, албатта. Чунки Денгизчи жуда ақлли ва ботир экан).

Кит оғзини дарвозадай очиб аста-секин яқинлашиб келаверибди. Етиб келибди-ю, Денгизчини ҳам, унинг солини ҳам, бўздан тикилган кўк иштонини ҳам, подтяжкасини ҳам (подтяжкани эсингдан чиқазма, азиз ўқувчим), ов пичоғини ҳам ютиб юборибди.

Уларнинг ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб, иссиққина қоронғи қазноққа тушгандай бўлибди. Бу — Китнинг қорни экан. Кит лабларини ялаб, хурсанд бўлганидан думида тик туриб, уч марта ўмбалоқ ошибди.

Ақлли ва ботир Денгизчи иссиққина қоронғи қазноққа — Китнинг қорнига тушиши биланоқ тепиниб, уриниб, ўмбалоқ ошиб, тишлаб, гумбурлатиб, тўпирлатиб шундай рақсга тушиб кетибдики, асти қўяверасиз... Кит оромини йўқотибди. (Подтяжкани унутмаган бўлсанг кераг-а?)

Кит чидаёлмай ахийри Тиканак-Балиқчага:

— Одаминг менга ёқмади, мен ейдиган нарсасиз экан. Уни ютганимдан бери мени ҳиқичоқ тутяпти. Нима қилишга ҳайронман, — дебди.

— Иложинг қанча, унга сувга сакрагин деб айтиб кўр-чи,— деб маслаҳат берибди Тиканак-Балиқча.

Кит ўзининг оғзига қичқирибди.

— Ҳой, чиқ бу ёққа! Кейин эҳтиёт бўлиб ҳаракат қил! Сен туфайли мени ҳиқичоқ тутяпти.

— Қўйсанг-чи,— дебди Денгизчи,— менга шу ернинг ўзи яхши. Агар мени она юртимга, Англиянинг оппоқ қояли қирғоқларига элтиб қўйсанг, ўшанда ҳам ташқарига чиқаманми-йўқми, ўйлаб кўраман.

Денгизчи шундай дебди-ю, аввалгидан баттарроқ тепкилай бошлабди.

— Бошқа иложинг йўқ, уйига элтиб қўяқол,— дебди Балиқча Китга.— Ахир у жуда ақлли ва ботир, деб айтдим-ку.


Кит ноилож йўлга тушибди. Ҳиқичоқ жонини қийнаса ҳам қуйруғи ва бир жуфт сузгичини ишга солиб сузаверибди, сузаверибди...

Ниҳоят, узоқдан Англиянинг оппоқ қояли қирғоқлари кўрина бошлабди. Кит шундайгина қирғоқнинг ўзигача сузиб келиб, оғзини аста-секин очиб, одамга буюрибди:

— Манзилга етиб келдик! Сафаримиз тугади! Бундан кейинги энг яқин станциялар — Винчестер, Ашуэлот, Нашуа, Кини, Фичборо!

Кит «Фич...» дейиши биланоқ оғзидан Денгизчи сакраб тушибди.

Денгизчи чиндан ҳам ақлли ва уддабуро экан. У Китнинг қорнида ўтирганида вақтини бекор ўтказмабди. Солини пичоғи билан шамчироққа ўхшатиб майдалаб қирқиб, бир-бирининг устига қўйиб, орасидан подтяжкани ўтказиб боғлабди-да, (подтяжкани унутма деганимнинг сабабини энди тушунган бўлсанг керак) панжара ясабди. Китнинг оғзидан чиқаётганда панжара билан унинг ҳалқумини тўсиб



қўйибди. Бу вақтда Денгизчининг нималар деганини сен эшитмагансан, албатта. Лекин унинг сеҳрли сўзлари ҳамон менинг эсимда. Хоҳласанг, айтиб беришим мумкин. У шундай экан:

Кит оғзига тўр қўйдим,
Қўйганда ҳам зўр қўйдим.

У сеҳрли сўзларни охирги марта такрор айтибди-ю, сакраб қирғоққа тушибди ва майда тошчаларни ғижирлатиб, сув кечиб ўйнашига рухсат берадиган меҳрибон ойисининг олдига жўнаб қолибди. Омон-эсон уйига етиб келибди, кейин уйланиб, мурод-мақсадига етибди. Кит ҳам уйланибди ва мурод-мақсадига етибди. Лекин ўша-ўша ҳалқумидаги панжаратўсиқ қолиб кетибди. Уни на ютиб юбора олармиш, на чиқариб ташлай олармиш. Панжарадан ўтмагани учун у фақат майда балиқларнигина ер эмиш, холос. Шундан бери Китлар одамларни ютолмайдиган бўлиб қолишган экан. Улар кичкинтой болаларни ва жажжи қизчаларни ҳам ютолмайди.

Айёр Балиқча бўлса экваторгача сузиб бориб, қурбақа салласи остига яшириниб олибди. У, Кит мендан аччиғланган деб унинг кўзига кўринишдан чўчирмиш.

Денгизчи майда тошчаларни ғижирлатиб сув кечиб кетаётганида ов пичоғи ёнида осиглиқ, бўздан тикилган кўк иштони ҳам эғнида экан. Фақат подтяжкаси йўқмиш. У Китнинг ҳалқумида қолиб кетган экан. Чунки подтяжка билан ёғоч пайраҳаларни боғлаб, панжара ясаган ва Китнинг ҳалқумини тўсган экан.

Қилтомоқ Кит ҳақидаги эртақ ана шундай дунёга келган экан.


Раютанинг дарчаси
Қоп-қора бўлса,
Тўлқин сапчиб, ҳайқириб
Қўкка интилса,
Қўтарилса кеманинг,
Гоҳ олд, гоҳ кети,
Ювмаган бўлса бола
Тонгда қўл, бетин.

Ётган бўлса энага
Полда чўзилиб,
Она бошин ушласа
Қўнгли бузилиб,
Чўмич ушлаган ошпаз
Ағанаб тушса,
Одамларнинг қўрқувдан
Қутлари ўчса,

Буйруқ берса капитан —
Мачталарни кес!
Билинг бу — қирқинчи Норд
Элигинчи Вест.




ТУЯНИНГ ЎРКАЧИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН




Энди туянинг ўркачи қандай пайдо бўлгани ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Бу воқеа ҳам жуда қадим замонларда бўлган экан. Олам янгигина пайдо бўлган, ҳайвонлар ҳам эндигина Инсонга хизмат қила бошлаган пайт экан.



Лекин дашту биёбонда боқибегам Туянинг якка ўзи яшаган, ишлаш, Инсонга хизмат қилишни хаёлига ҳам келтирмаган экан. У қовжирай бошлаган тиканларни, дарахт новдаларини, юлгун, тоғолча буталарини, ҳар хил илдизларни роса туширар, лекин ишга келганда ўлгудай ялқов, беор экан. Ким нима демасин, у фақат «Уррка» деб қўяркан. Биттаю битта жавоби шу — «Уррка» экан.



Кунлардан бир кун (душанбада) эрталаб эгарланган От юганини осилтириб, унинг ёнига келибди.

— Туяжон, ҳой Туяжон,— дебди у,— сен ҳам Инсоннинг олдига бориб, биз каби хизмат қилсанг бўлмайdimи?

— Уррка! — дебди бепарволик билан Туя.

От Инсоннинг олдига қайтиб, унга Туянинг жавобини айтибди.

Кўп ўтмай Туянинг олдида Кўппак келибди. У оғзида таёқ тишлаб олган эмиш.

— Туяжон, ҳой Туяжон,— дебди у,— сен ҳам Инсоннинг олдида бориб, бизга ўхшаб у билан бирга овга чиқсанг бўлмайдими?

— Уррка! — дебди Туя.

Кўппак Инсонга Туянинг жавобини айтиб берибди.

Шундан кейин Туянинг ёнига ҳўкиз келибди.

Унинг бўйнига бўйинтуруқ осилган экан.

— Туяжон, ҳой Туяжон,— дебди у,— сен ҳам биз каби ер ҳайдаб Инсонга ёрдам берсанг бўлмайдими?

Туя яна:

— Уррка! — деб жавоб берибди.

Ҳўкиз бўлса Инсонга Туянинг жавобини етказибди.

Кечқурун Инсон Отни, Кўппакни ва Ҳўкизни тўплаб, уларга шундай дебди:

— Гапимга қулоқ солинглар. Сизларга жуда раҳим келади. Вазифангиз кўп. Аммо саҳрода «Уррка» деб ўкириб юрувчи жониворнинг қўлидан ҳеч қандай иш келмайди. Бўлмаса аллақачон бу ерга келган бўлар эди. Майли, у саҳрода ўз билгича умр кечираверсин. Мен унга тегмайман. Лекин сизлар унинг ўрнига ҳам ишлайсизлар.

Буни эшитиб От, Кўппак ва Ҳўкизнинг жаҳллари чиқибди. (Ўшанда олам эндигина пайдо бўлган эканда.) Улар саҳронинг бир чеккасига йиғилишиб, ҳарқайсиси нима иш бажаришини муҳокама қилиб воқиллаб, кишнаб, мўрай бошлашибди. Ялқов ва боқибегам Туя яқинроқ келиб, уларни масхара қилаётгандай парвосизлик билан қуруқ ўтдан кавшайверибди. Кейин «Уррка» дебди-ю, йўлига равона бўлибди.

Шу маҳалда йўлдан чанг-тўзон кўтариб, бутун

Сахро Ҳукмрони Жин учиб бораётган экан. (Жинлар сеҳргар бўлишар, шунинг учун доимо чанг-тўзон кўтариб юришаркан). У, у ёқ-бу ёқдан гаплашмоқчи бўлиб От, Қўппак ва Ҳўкизларнинг олдида тўхтабди.

— Эй, Бутун Сахро Ҳукмрони! — деб мурожаат қилибди От. — Ахир олам шундай ёш, янги бўлса, бунинг устига унда иш ошиб-тошиб ётган бир пайт бўлса-ю, меҳнат қилмасликка кимнинг ҳақи бор?

— Ҳеч кимга бунақа ҳуқуқ берилмаган, — дебди Жин.

— Лекин сенинг Дашту Биёбон Саҳройингда яшайдиган бўйни ингичка, оёқлари узун-узун Жонивор душанба кун эрталабдан ҳозиргача биронта ишга қўл ургани йўқ. Меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди. Минг марта айтганимиз билан, оёғидан ўт чақнатиб югуришни хоҳламаяпти, — дебди От.

— Чивв!.. — деб ҳуштак чалибди Жин, — Арабистоннинг олтин тупроғи билан қасамёд қиламанки, менинг Туям! Хўш, унинг ўзи нима дейди?

— Фақат «Уррка» дейди, холос. — дебди Қўппак. — Топган гапи шу: «Уррка». Ов қилишда Инсонга ёрдам бергани кўнмаяпти.


— Яна нималар деди? — деб сўрабди Жин Ҳўкиздан.

— Менга ҳам фақат «Уррка» дейди, холос. Ер ҳайдагани кўнмаяпти, — дебди Ҳўкиз.

— Жуда соз! — дебди Жин. — Сизлар бир нафас сабр қилиб туринглар, ҳозироқ мен унга «Уррка»сини кўрсатиб қўяман.

У яна чанг-тўзон кўтариб, Сахрога учиб кетибди. Туяни ўша ердан топибди. Беор, ишёқмас ва ялқов Туя кўлмак сувдаги аксини томоша қилиб турган экан.

— Менинг қадрдон узун оёқ дўстим, — деб гап



бошлабди Жин,— сен эндигина пайдо бўлган оламинизда меҳнат қилишдан бўйин товлаётганмишсан деб эшитдим. Бу қанақаси бўлди?

— Урка! — деб жавоб берибди Туя.

Жин қумга ўтирибди-да, қўлларини иягига тираб, уни сеҳрлай бошлабди. Туя бўлса ҳеч нарсадан хабарсиз, кўлмакдаги аксини завқланиб томоша қилиб тураверибди.

— От, Кўппак ва Хўкиз душанба кун эрталабдан бери меҳнат қилишяпти. Улар сен ишёқмас ва ялқовнинг ўрнингга ҳам ишлашяпти,— дебди Жин.

Жин яна қўлларини иягига тираб, сеҳрлашини давом эттирибди.

— Уррка! — дебди Туя.

— Бу сўз наҳотки жонингга тегмаса? Неча марта қайтардинг шу сўзингни? Мен. сен беор, ялқов ва ишёқмасни барибир ишга соламан.

— Уррка! — деб қайтарибди Туя.

Шу пайт унинг бошқаларга кўз-кўз қилиб юрадиган елкаси аста-секин шиша бошлабди. Шишиб-шишиб каттакон тошдай ўркакча айланиб қолибди.


— Ана энди, ўркачингни томоша қилавер! — дебди Жин.— Ҳадеб «Уррка» деганинг шу бўлади. Сен беор, ялқов ва ишёқмас бўлганингдан орқангдан ўркакч ўсиб чиқди. Оламда иш душанбадан бошланди, бугун — пайшанба, сен бўлсанг ҳали ҳам бекорчисан. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, энди ишлайдиган бўласан.

— Шундай катта «Уррка» билан қандай қилиб ишлайман?

— Бу сенинг уч кун бекор юрганингга берилган жазо,— деб жавоб берибди Жин.— Лекин бундан буён уч кунгача ҳеч қандай овқатсиз ишлашинг мумкин. Уч кунгача ўзингнинг «Уррка»нгни ейсан. Ахир уч кундан буён «Уррка»нг билан яшаб келяпсан-ку. Қани шундан кейин ҳам, менга ғамхўрлик қилмайсиз, деб кўргин-чи. Энди Саҳродан От, Кўппак ва Хўкизларнинг ёнига илдам жўнаб қол. Эҳтиёт бўл ва қадамингни билиб бос.

Туя ўркачини лапанглатиб От, Кўппак ва Хўкизларнинг олдига қараб кетибди. Ана ўшандан бери у орқасида ўркачини кўтариб юаркан. (Энди «Уррка» эмас, Туянинг жаҳли чиқмасин деб «Ўркакч» дея қо-

ламиз). Туя шу пайтгача олам янги пайдо бўлган даврда бекорга ўтказиб юборган уч кунни тўлдиролмай овораю сарсон эмиш. У ҳанузгача ўзини қандай тутишни ҳам билмасмиш.



Т уянинг ўркачи бор —
Баҳайбат,
Қўпол,
Жундор.


Елкамизда бизнинг ҳам
Қўшилиб кунда кам-кам
Ўсиб бормоқда ўркач,
Дўстлар не дейди кўргач.

Кимки бўлса дангаса,
Елкасида, англаса,
Қўпол, жундор, баҳайбат
Ўркач ўсади албат.
Ялқовлигимиз шунча:
Кун тепага келгунча
Ҳо байрам, ҳо иш кун
Биз урамиз уйқуни.
Биз турамиз керишиб,
Онамиз дер: ювингин.
Тиш чўткага, совунга
Биз қараймиз тиришиб.

Бизни қийнар
Номус, ор,
Елкамизда
Ўркач бор.
Дўстлар, тезда узатинг
Бизга ёрдам
Қўлини,
Дўстлар, тезда кўрсатинг
Қутулишнинг йўлини.
Менда бор бир
Маслаҳат:
Тинма бир дам,
Қил меҳнат.
Иш бошла туриб саҳар,
Саҳардан кечга қадар.
Ер чоп, дон эк, ҳосил тер,
Манглайингдан
Қуйсин тер.
Иссиқ ёз — саратон ҳам,
Қаттиқ қиш, қаҳратон ҳам —
Бетиним
Меҳнат қилсанг,
Бетиним ғайрат қилсанг,
Елкангдаги баҳайбат
Ўркач йўқолур албат.



КАРКИДОННИНГ ЯНГИ ПЎСТИНИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН




Бир мамлакатнинг аллақайси подшолигида, Қизил денгиз бўйида инсон оёғи етмаган орол бўлган экан. Бу оролда ёлғиз бир занжи яшаган экан. Унинг офтобда худди қуёшга ўхшаб ялтирайдиган қалпоғи бўлган экан.

Занжининг бисотидаги бор нарсаси қалпоғи билан битта пичоғиу печкаси экан. Эҳтиёт бўлинг, бу печкага ҳеч қачон қўл теккизиб бўлмас экан.

Занжи бир куни майиз, ун, сув, қаймоқ, қанд, яна бир олам масаллиқларни қориб, эни йигирма сантиметр, узунлиги ўттиз сантиметр келадиган ажойиб ва сеҳрли пирог пиширмоқчи бўлиб, уни печкага қўйибди, демак, унинг печкага яқинлашиши мумкин экан. У пирогни шундай қизартириб пиширибдики, унинг хушбўй ҳиди атрофни тутиб кетибди.

Занжи пирогни печкадан олиб, совутиб, эндигина емоқчи бўлиб турганида Каркидон келиб қолибди. Каркидоннинг шохи худди бурнининг учида-ю, кўзлари чўчқа боласиникига ўхшаганмиш. Авзойи эса жуда ҳам бузуқмиш.

Ўша пайтларда Каркидонларнинг териси қат-қат бўлмасдан силлиқ бўларкан. Ўзлари ҳам ёғоч ўйин-



чоққа ўхшаб кетар, фақат ундан бир оз каттароқ бўлар экан.

Айтгандай, Каркидон илгари ҳам тарбиясиз бўлган экан, у ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

— Эҳҳе,— дебди Каркидон гўлдираб.

Занжи юраги чиққанидан пирогни ҳам унутиб, жонини ҳовучлаганича пальманинг учига чиқиб кетибди; эгнида ҳеч нарсаси йўғ-у, фақат бошига кийган қалпоғи офтобда худди қуёшга ўхшаб ялтираркан.

Каркидон келиб бурни билан печкани бир туртган экан, печка тўнтарилиб, пирог қумга тушибди. Бетамиз Каркидон уни шохи билан илиб олиб ея бошлабди. Еб бўлгач, Мозандарон, Сокотра ороллари ҳамда Буюк Тенгкунлик кўрфазига туташ, ҳувиллаб ётган саҳро томон йўл олибди.

Каркидон кетгач, занжи дарахтдан тушиб, печкани тўғрилаб аввалги жойига қўйибди-да, сеҳрини ўқибди.

Ҳаёт сенга керак бўлса,
Ширин бўлса сенга жон,
Бировларнинг пирогини
Илиб кетма ҳеч қачон.

Занжи шундай деб, бежиз айтмаган экан. Чунки орадан беш ҳафта ўтгач, жазирама иссиқ бошланибди-ю, Қизил денгизнинг суви қайнаб кетибди. Ҳамма эгнида бор нарсасини ечиб ташлай бошлабди. Занжиге бошидаги битта қалпоғи ҳам оғирлик қилиб қолибди. Каркидон бўлса пўстинини ечиб, елкасига танилаб, чўмилгани жўнабди. У вақтларда Каркидонларнинг пўстини қорни тарафдан учта тугмача билан қадалар ва чўзилувчан резинали плашга ўхшаркан.

Каркидон занжини кўрганида унинг пирогини еб



қўйгани ҳақида оғиз ҳам очмабди. Аввал айтганим-дек, у тарбиясиз бўлган, ҳозир ҳам тарбиясиз, бундан кейин ҳам тарбиясизлигича қолади. У пўстинини қирғоқда қолдириб, тўппа-тўғри сувга тушиб олибди-да, бурун катакларидан вишиллатиб сув чиқазиб чўмилаверибди.

Занжи қирғоқдан кетаётиб қараса, ёрда Каркидоннинг пўстини ётган эмиш. Энди боппайман, деб мийиғида кулиб қўйибди у. Кейин Каркидонни қўлга туширганига суюнганидан қўлларини бир-бирига ишқалаб, пўстиннинг атрофида уч марта айланиб ўйин тушибди.

Кейин чайласига югуриб борибди-да, пирогдан қолган ушоқларни қалпоғига тўлдириб, қайтиб келибди. Занжи доим маза қилиб пирог ер, ушоқларини эса йиғиштирамай кетавераркан. Занжи пўстинни олиб ғижимлаб-ғижимлаб, ичига қотган, суви қочиб.

тош бўлиб кетган ушоқларни тўлдириб солиб, қора майиз билан аралаштириб ишқайверибди. Ишини би-тириб, пальманинг учига чиқиб олибди-да, Каркидон сувдан чиқиб пўстинни кийиб олишини кутиб ўтира-верибди.

Каркидон сувдан чиқибди ва пўстинини олиб, ел-касига ташлабди. Учинчи тугмасини қадаб бўлиши биланоқ, аъзойи бадани ловиллаб, қизариб ачиша бошлабди. Қашинмоқчи бўлган экан, оғриқ баттар зў-райибди. Каркидон оғриққа чидолмай, гурс этиб ер-га йиқилибди-ю, дам у ёққа, дам бу ёққа ағанайвериб-ди. Барибир, думалагани билан оғриқ босилмас, зў-райгандан зўрайиб тинка-мадорини қуритаркан. Ҳеч нарса фойда бермагач, Каркидон пальмага бориб сур-калаверибди, суркалаверибди, суркалаверибди. Жон-жаҳди билан тинмасдан суркалаверганидан териси қават-қават бўлиб кетибди. Олдин елкасида, кейин қорнида, бора-бора оёқларида ҳам чизик излар қо-либди. (Қорнидаги тугмалари эса суркалаверганидан ейилиб кетибди). Буларнинг ҳаммаси унинг феълени жуда ўзгартириб юборибди-ю, лекин ҳеч қандай фой-да бермабди. Ушоқлар терисининг орасида қолиб, жо-нига азоб бераверибди. Каркидон ҳамма ёғи шили-ниб, тирналиб, дарғазаб бўлиб уйига кетибди. Ўша, ўша, ҳозиргача ҳамма Каркидонларнинг териси қа-ват-қават экан. Каркидонлар ҳам сержаҳл бўлиб қол-ганмиш. Бунинг сабаби маълум: терисининг орасида қолган пирог ушоқлари ҳамиша ачиштириб, жонини қийнаб тураркан.

Занжи Каркидон уйига жўнагач, пальмадан паст-га тушибди-да, офтобда худди қуёшдай ялтираб тур-ган қалпоғини бостириб кийиб олиб, чайласини тарк қилибди. У Оротаво, Амигдале, Анантаривонинг Юқо-ри водийлари, ундан Сонапут Ботқоқликлари томон бош олиб кетибди.

ФИЛ БОЛАСИ



Агар сен умрингда Фил учратган бўлсанг, унинг хартумини кўриб ҳайрон қолгандирсан-а? Илгарилари-чи, унинг ҳеч қанақа хартуми бўлмаган экан. Аввал Филнинг хартуми ўрнида қоп-қора, япасқироқ, кавушга ўхшаган бурни бўлган экан, холос. Ўша бурни у ёқ-бу ёққа қийшайса ҳам ҳеч нарсага ярамас, ҳатто унинг ёрдамида ердан бирон нарсани кўтариб олиб ҳам бўлмас экан.

Жуда қадим замонларда битта Фил, тўғрироғи, Фил боласи яшаган экан. У ҳамма нарсаса қизиқувчан экан. Кимни учратиб қолса тўхтатиб, ҳар тўғрида савол ёғдиргани-ёғдирган экан. У Африкада яшаркан. Бутун Африкада у саволга тутмаган жонивор қолмаган экан.

У, узун бўйли Туяқуш холасига патингиз нима учун ундай ўсмай, бундай ўсган деб савол берар, жавоб ўрнига эса узун бўйли Туяқуш холаси темирдай мушти билан унинг жағига тушираркан.

У, найнов амакиси Жирафадан терингиздаги доғлар нимадан пайдо бўлган деб сўраб қолса, у ҳам тош-метин туёқлари билан тарсиллатиб ураркан.

Лекин шунча калтаклар Фил боласига кор қилмабди. У бақалоқ холаси Бегемотдан кўзларингиз нима учун қип-қизил деб сўраган экан, бақалоқ холаси Бегемот зилдай оғир туёғи билан тепкилабди.

Бу ҳам Фил боласига таъсир қилмабди. У, ҳамма ёғини жун босган амакиси Павиандан нима учун қовунлар ширин бўлади деб сўраган экан, жундор амакиси Павиан жавоб ўрнига сертук қўллари билан уни муштлабди.

Бу ҳам унга кор қилмабди.

Фил боласи нимани кўрмасин, нимани эшитмасин, нимани ҳидлаб кўрмасин, нимага қўлини теккизиб кўрмасин, савол кетидан савол ёғдираркан, ҳамма амаки ва холалари ҳам ўша заҳоти уни савалаб қолишаркан.

Шундай бўлса ҳам Фил боласининг қизиқувчанлиги ҳеч ҳам камаймабди.

Кунлардан бир куни эрталаб, кеча-кундуз баравар келиб қолган фасл экан, ўша шилқим Фил боласи:

— Айтинглар-чи, Тимсоҳ нонуштага нима ейди?— деб сўраб қолибди.

У, илгари бу ҳақда ҳеч сўрамаган экан.

Ҳамма ваҳимага тушиб:

— Тс-с-с-с! — дейишибди.

Шу заҳотиёқ ҳар томондан уни дўппослаб кетишибди.

Тасир-тусир, дўппослашлар анчагача тинмабди. Фил боласи таъзирини еб, тиканли тоғолча шохида ўтирган қушча — Қолоколонинг олдига югуриб борибди ва унга дардини айтибди.

— Савол бериб балога қолдим. Мени отам дўппослади, онам дўппослади, холаларим дўппослашди, амакиларим дўппослашди. Лекин барибир, Тимсоҳ нонуштага нима ейишини жуда билгим келади.

— Тўппа-тўғри сассиқ, лойқа сувли Лимпопо дарёсига қараб юрасан; унинг ботқоқли қирғоқлари безгак тарқатадиган дарахтлар билан қопланган. Ўша ерга борсанг, саволингга жавоб топасан,— дебди ғамгинлик билан Қолоколо.

Эртасига тонг отганда Тенгкунлик ҳам тамом бўлибди. Ҳамма нарсага қизиқувчан Фил боласи юз фунт банан, юз фунт шакарқамиш, ўн етти дона еганингда карс-курс қиладиган хомроқ қовун олиб, ҳаммасини елкасига жойлабди, қариндош-уруғлари билан хайрлашиб кейин йўлга тушибди.

— Яхши қолинглар,— дебди у,— мен сассиқ, лойқа сувли Лимпопо дарёси томон кетяпман; унинг ботқоқли қирғоқлари безгак тарқатадиган дарахтлар билан қопланган. У ердан қандай бўлмасин Тимсоҳнинг нонуштага нима ейишини билиб қайтаман.

Мендан хавотир олманглар, деб роса ишонтирса ҳамки сафар олдидан қариндошлари уни яна бир марта яхшилаб уришибди. Фил боласи танасида калтак излари қолган бўлса ҳам шахтидан қайтмабди. Йўлга тушибди. Йўлда қовун еб, пўчоғини ерга ташлаб кета-



верибди. Чунки уларни йиғиштириб, чеккага қўйиш-
га ҳеч нарсаси йўқ экан. У, Грэм шаҳридан Кимбер-
лейга, Кимберлейдан Хамовага, ундан шарққа, кейин
ғарбга юриб сафар давомида ўзини ширин қовунлар
билан меҳмон қилиб борибди. Ниҳоят, у сассиқ, лой-

қа сувли Лимпопо дарёсига етиб келибди. Унинг бот-қоқ қирғоқлари худди Колоколо айтганидек қалин дарахтзор экан.

Лекин сенга шуни айтиб қўяйки, азиз ўқувчим, ўша ҳафта, ўша кун, ўша соат, ўша минутгача ҳар нарсага қизиқувчан Фил боласи Тимсоҳни кўрмаган ва унинг қандай бўлишини ўйламаган ҳам экан. Унинг қанчалик қизиққанлигини билияпсанми?

У дарёга яқинлашганда кўзига биринчи кўринган нарса қандайдир қояга чирмашиб олган Чипор Тош Илон бўлибди.

— Кечирасиз мени,— дебди Фил боласи мулойимлик билан,— шу яқин орада Тимсоҳни учратганингиз йўқми? Бу ерларда адашиб қолиш ҳеч гап эмас экан.

— Тимсоҳни учратганингиз йўқми эмиш! — захархандалик билан Фил боласининг саволини қайтарибди Илон,— саволини қара-я!

— Кечирасиз мени,— деб гап бошлабди Фил боласи,— айтолмайсизми, Тимсоҳ нонуштага нима еяркин-а?

Чипор Тош Илон аччиғидан жони ҳалқумига келиб, гавдасини ёзибди-да, думи билан Фил боласини қарсиллатиб тушириб қолибди. Унинг думи майда тангачалар билан қопланган ва ғалла янчадиган мола сингари оғир экан.

— Ажабо,— дебди Фил боласи,— ҳаддан ташқари қизиққанимдан савол берганларим учун мени дадам дўппослагани, онам дўппослагани, амаким дўппослагани, холам дўппослагани, Павиан амаким дўппослагани, Бегемот холам дўппослагани етмагандай, бу ерда ҳам ўша аҳвол такрорланадиганга ўхшайди-ку.

У Чипор Тош Илон билан қуюқ хайрлашибди ва қояга яна чирмашиб олишга ёрдам берибди. У Тош Илоннинг урганига парво ҳам қилмай йўлга тушибди.




Яна қовунини еб, пұчо-
ғини ерга ташлаб кета-
верибди. Яна эслатиб
қўяман, уларни териб
олишга Фил боласининг
ҳеч нарсаси йўқ эди-да.

Қўп юрмасидан сас-
сиқ, лойқа сувли бот-
қоқдан иборат қирғоқла-
ри безгакка кон Лимпо-
по дарёсининг худди ён-
гинасида юмалаб ётган
аллақандай йўғон хода-
га дуч келиб қолибди.
Фил боласи бир сакраб
унинг устига чиқиб олиб-
ди.

Ҳақиқатда эса, ўқув-
чим, бу хода эмас, Тим-
соҳнинг ўзгинаси экан.

Тимсоҳ бир кўзини
очиб қарабди.

— Кечирасиз ме-
ни,— деб одоб билан гап
бошлабди Фил бола-
си,— мабодо шу атроф-
да Тимсоҳни учратга-
нингиз йўқми?



Тимсоҳ иккинчи кўзини ҳам очиб, думини ярмигача сувдан юқорига кўтарибди. Фил боласи яна одоб билан ўзини сал орқароққа олибди. У яна тепки ейишдан ўзини асрамоқчи бўлибди.

— Бу ёққа яқинроқ кел, миттивой,— дебди Тимсоҳ,— хўш, у сенга нимага керак бўлиб қолди?

— Кечирасиз мени,— деб яна ҳам мулойимроқ қилиб гапирибди Фил боласи,— мени отам билан онам дўппослаб, узун бўйли Туяқуш холам билан найнов Жирафа амаким дўппослаб, бошқа холам — бақалоқ Бегемот билан бошқа амаким — жундор Павиан дўппослаб, ҳозиргина икки рангли Тош Илон ўласи қилиб дўппослаб таъзимимни беришди. Энди сизга ҳам савол бериб калтак ейишдан қўрқяпман.

— Яқинроқ кел, миттивой,— дебди Тимсоҳ,— ма-на мен Тимсоҳ бўламан.

У чиндан ҳам Тимсоҳлигини кўрсатмоқчи бўлиб шайтон йиғисини бошлабди.

Фил боласи суюниб кетганидан ўзини қўярга жой тополмай қолибди. Тиз чўкиб, Тимсоҳга:

— Мен худди сизни ахтариб юрувдим! Неча кундан буён сизни қидираман-а! Марҳамат қилиб айтингчи, сиз нонуштага нима ейсиз? Тезроқ айтинг, тезроқ!— дебди.

— Яқинроқ кел, қулоғингга айтаман,— дебди Тимсоҳ.

Фил боласи бошини эгиб, Тимсоҳнинг ўткир, сўйлоқ тишли оғзига яқинлаштирибди. Тимсоҳ унинг ўша ҳафта, ўша кун, ўша соат, ўша минутгача фақат кавушдай бўлиб турган пачоқ бурнидан маҳкам тишлаб олибди.

— Ўйлайманки,— дебди Тимсоҳ тишларини ёғжирлатиб,—бугун нонуштага Фил боласини есам керак.



Фил боласи жуда қўрқиб кетибди.

У бурни билан гапира бошлабди:

— Қўйворинг мани, қўйворинг! Мунним ориб кетти.

Шу пайт Чипор Тош Илон Фил боласига яқинлашибди:

— Эй, ёш дўстим, агар сен ҳозир кучинг борича орқага тисланмасанг, мана бу мешқопнинг гапига овора бўлиб вақтни ўтказиб юборсанг, имоним комил «бир, икки, уч» дейишга ҳам улгурмасингдан, ҳуванув сув отилиб турган жойга кириб кетасан.

Чипор Тош Илонлар шунақа билагон бўлишаркан.

Фил боласи Илоннинг айтганини қилиб, оёқларига

тиралиб орқага тислана бошлабди. У орқага тисланган сари бурни ҳам тобора узунлашиб бораверибди. Тимсоҳ эса думини эшкакка ўхшатиб сувга урар, Фил боласини пастга тортар, у тортган сари Фил боласининг бурни чўзилар, зирқираб оғрир экан.

Бирдан Фил боласининг оёқлари ерда сирғанган-дек бўлибди. Салкам беш футча келадиган бурнини қутқариб олишга ҳаракат қилиб пўнғиллабди:

— Бўлди! Қўйворинг! Бошқа қимиман!

Чипор Тош Илон Фил боласининг овозини эшитибди-ю, қоядан пастга қараб отилибди. Дарров Фил боласининг орқа оёқларига икки мартадан ўралиб олибди.

— Ёшлик — ғўрлик, деб шунини айтадилар-да,— дебди у,— ғўр бўлмасанг, Тимсоҳнинг гапига ишонармидинг. Энди зўр бермасак бўлмайди. Палубаси ва винтлари темирдан ясалган мана бу ҳарбий кема (у Тимсоҳни шундай деб атаркан) сени ҳалок қилмоқчига ўхшайди.

Илон билан Фил боласи кучининг борица тортишибди. Тимсоҳ ҳам ўз томонига қараб тортибди. Лекин Илон билан Фил боласи биргалашиб тортишиб, уни ҳолдан тойдириб қўйишибди. Тимсоҳ охири Фил боласининг бурнини қўйиб юборибди-ю, ўзи шалоплаб сувга йиқилибди.

Фил боласи бўлса турган еридаёқ гурс этиб ўтириб қолибди. Тош Илонга зўрға раҳмат айтибди-ю, чўзилиб қолган бурнини аслига қайтармоқчи бўлибди. Оташ бўлиб қизиётган бурнини муздай банан баргларига ўрабди, совутмоқчи бўлиб, Лимпопо дарёсининг лойқа-кўкиш сувига тиқибди.

— Нима қилмоқчисан ўзинг?— деб сўрабди Чипор Тош Илон.

— Кечирасиз... Бурнимни кўряпсизми, сўлоқмон-

дай бўлиб қолибди. Сувга солсам, зора илгариги ҳолатига қайтса.

— Бекорга умрингни ўтказиб-а? Тавба. Баъзилар ўзига фойдали томони бўлган нарсаларни тушунмаслигига ҳайронман.

Фил боласи уч кечаю уч кундуз дарё бўйидан жиламай ўтирибди. Лекин, барибир, бурни аввалги ҳолатига қайтмабди. Узунлигича қолаверибди. Бунинг устига бурнига тикилиб ўтираверганидан кўзлари ҳам бир оз ғилайроқ бўлиб қолибди. Энди тушунаётгандирсан, азиз ўқувчим! Тимсоҳ, Фил боласининг бурнидан тортиб, уни хартум қилиб қўйган экан. Ҳозирги ҳамма филларнинг хартуми ана ўшандан қолганмиш.

Учинчи куннинг охирида бир пашша учиб келибди-да, Фил боласининг елкасига қўниб, уни чақиб олибди. Фил боласи нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай, хартумини кўтариб, пашшани шапиллатиб урибди.

— Бу сенинг биринчи ғалабанг,— дебди Чипор Тош Илон,— ўзинг ўйлаб кўр-чи, илгари кичкинагина бурнинг билан пашша қўрий олармидинг? Йўқ... Ҳа, айтгандай, қорнинг очмадими?

Фил боласи яна нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай, хартумини чўзиб ердан бир қучоқ ўт юлиб олибди-да, у билан олдинги оёқларининг чангини артиб, кейин ҳаммасини оғзига тиқибди.

— Бу сенинг иккинчи ғалабанг,— дебди Чипор Тош Илон,— илгариги кичкинагина бурнинг билан ўт юлиб еёлмас эдинг. Айтмоқчи, кун исиб кетганини сезяпсанми?

— Ҳа, рост. Кун жуда қиздириб юборяпти.

Фил боласи яна нима қилаётганини ўзи ҳам сезмасдан хартуми билан сассиқ, лойқа-кўкиш Лимпопо дарёсидан сув олиб, бошидан қуйибди. Муздаккина лойқа сув боши ва қулоғидан шовиллаб оқиб тушибди.

— Бу сенинг учинчи ғалабанг,— дебди Чипор Тош Илон,— илгариги кичкина бурнинг билан шундай қила олармидинг? Йўқ! Хўш, аввал еган муштарингга энди нима дейсан?

— Кечирасиз,— дебди Фил боласи,— мен калтак ейишни ёмон кўраман.

— Зўрларнинг таъзирини бериб қўйиш бўлсачи?— деб сўрабди Чипор Тош Илон.

— Унисига розиман!— дебди қувониб Фил боласи.

— Сен ҳали бурнинг нималарга қодирлигини билмайсан,— дебди Чипор Тош Илон,— бу бурун эмас, хазина-ку!

— Кўп раҳмат сизга,— дебди Фил боласи,— айтганларингизни ёдимда тутаман. Энди уйга қайтишим керак. Қариндош-элатларимнинг ёнига бориб, бурнимни синаб кўраман.

Фил боласи шундай дебди-ю, хартумини ўйнатиб йўлга тушибди. Йўлда бораркан, энди хоҳласа аввалгидай ерга тушишини кутиб ўтирмасдан дарахтдаги меваларни узиб оғзига солади, ўт егиси келса, илгаригидай тиззасини букиб ўтирмай, тўғри ердан юлиб олаверади. Агар пашшалар жонига тегса, дарахтдан шох-шабба синдириб олади-да, елпиғич қилиб ўзини елпийди. Қуёш қиздирса, хартумини сувга тикиб олади-да, бошидан муздек сув қуяди. Ёлғиз ўзи юриб зерикса, хартуми билан хиргойи қилади. Шундай хиргойи қиладики, овози мингта мис сурнайнинг ҳам товушидан ширали чиқади.

Фил боласи унинг янги бурни ҳақида Чипор Тош Илоннинг айтганлари тўғрилигини синаб кўриш ниятида бақалоқ Бегемотни (қариндоши бўлмаса ҳам) топиб саваламоқчи бўлиб, тўғри йўлдан ёнга бурилибди. Бегемотни топиб, яхшилаб савалаб, аввалги

кетаётган йўлига тушиб олибди-да, Лимпопога кетаётганида сочиб кетган қовун пўчоқларини йиғиштириб бораверибди. Чунки у озодаликни яхши кўрар экан.

Юриб-юриб, бир кун кечқурун туғишганларининг ёнига қайтиб келибди.

— Саломатмисизлар! Аҳволларингиз қалай? — деб сўрабди у қариндошларидан, хартумини ҳалқага ўхшатиб букиб.

Қариндошлари уни кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетишибди.

— Берироқ кел-чи, берироқ. Ҳалиям бемаъни саволларингни қўймабсан-да. Бир адабингни бериб қўййлик!

— Бечоралар-е,— дебди Фил боласи,— дўппослаш қанақа бўлишини биласизларми? Дўппослаш қанақалигини мана мен биламан! Хоҳласангиз кўрсатиб қўяман...

У хартумини ёзиб юборган экан, ўша заҳоти иккита жажжи укалари чархпалак бўлиб ерга тушибди.


— Бананлар билан қасамёд қиламиз! — дейишибди қариндошлари унга,— қаердан сен бундай полвон бўлиб қолдинг, бурнингга нима бўлди?

— Менинг бурним, янги бурун, уни менга балчиқли, лойқа-кўкиш сувли Лимпопо дарёсидаги Тимсоҳ берди. Мен ундан нонуштага нима ейсан, деб сўраганимда, у менга хотира бўлсин деб яп-янги бурун ҳадя қилди.

— Шу ҳам бурун бўлибдими, хунукдан-хунук! — дебди ҳамма ёғини жун босган Павиан амаки.

— Бўлса бордир,— дебди Фил боласи,— лекин жуда фойдали бурун!

Фил боласи хартуми билан жундор амакиси Павианнинг паҳмоқ оёғидан илиб кўтарибди-да, чирпирак қилиб арининг инига қараб отибди.



Фил боласи ҳаддидан ошиб, ҳамма қариндошларини битта ҳам қолдирмай дўппослаб, таъзирини берибди. Уларни шундай зириллатиб савалабдики, ҳаммалари нима бўлганини тушунолмаб гаранг бўлишибди. У Туяқуш холасининг думидаги патларини бўлса битта ҳам қўймаб юлиб ташлабди; узун оёқ амакиси Жирафани эса орқа оёқларидан ушлаб олиб, тиканли буталар орасида судрабди; овози борича қичқириб, овқат еб бўлиб ухлаб ётган холаси Бегемотни уйғотиб юборибди, унинг қулоқларига сув пуркаб жиғига тегибди. Фақат қушча Қолоколони хафа қилмай, уни ўз паноҳига олибди.

Фил боласи қариндошларига кун бермагач, уларнинг ҳаммаси бири олдин, бири кейин янги бурун сўраб балчиқли, лойқа-кўкиш, сассиқ сувли, қирғоқлари безгакка кон дарахтзор билан ўралган Лимпопо дарёсига — Тимсоҳнинг олдига қараб йўл олишибди. Қайтиб келишганда эса ҳеч ким бошқа бировни дўппосламабди. Ўшандан бошлаб, азиз ўқувчим, сен учратадиган ва балки сира учратмайдиган ҳамма филлар худди ўша ҳамма нарсага қизиқувчи Фил боласиникига ўхшаган хартумли бўлиб қолишган экан.



Шенинг олти ёрдамчим бор,
Олтови ҳам билармон.
Мен дунёни шу олти дўст
Ёрдамида биларман.

Қачон кўрманг, олти дўстим
Ёнимдадир ҳар замон.
Улар номи Нега, Қандай,
Қайда, Нима, Ким, Қачон:

Юбораман дўстларимни
Ўрмонларга, сувларга.
Сўнгра ўзим ишлайман-у,
Дам бераман уларга.

Менга улар хизмат қилди
Дея мени билолсин.
Мен ишла-ю, энди улар
Овқат есин, дам олсин.

Лекин менинг бир дўстим бор,
Ҳали мендан кичкина.
Бор юз минглаб хизматкори,
Ўлтиришмас тинчгина.

Унга бир дам тиним билмай,
Хизмат қилар кун-тунлар
Беш минг Қайда, ўн минг Қандай,
Юз минг Нима Учунлар.



ЗИРҲ ТҰНЛИ ҲАЙВОНЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БҰЛГАН



Азиз ўқувчим, сенга қадим замонлар ҳақида яна битта эртак айтиб бераман. Уша замонларда, лойқа сувли Амазонка дарёсида Серзарда-Сертикан Типратикан яшаркан. У, чиганоқми, бошқа нарсамн, суриштирмай еб кетаверар экан. Оғиркарвон Тошбақа

унинг ўртоғи экан. У ҳам лойқа Амазонка дарёсида яшаркан, овқат танламас экан, фақат кўк салатни¹ кўпроқ хуш кўраркан. Икки ўртоқ аҳил ҳаёт кечиришаркан.

Аммо ўша пайтда, лойқа Амазонка дарёси бўйида Холдор Қоплон ҳам яшаркан. У қўлига қандай жонивор тушмасин бирпасда саранжом қиларкан. Бугуни тутолмаса, маймунни, маймунни тутолмаса, қурбақами, суваракми, нима дуч келса тутиб, еб кетаверар экан. Агар ови баролидан юрмай, унга қурбақа ҳам, суварак ҳам рўпара келмаса, ойисининг олдига бориб ундан тошбақа ва типратиканларни қандай тутиш кераклигини сўраркан.


Ойиси чиройли думини гажак қилиб, тез-тез унга:

— Ўғлим, агар сен Типратиканни учратсанг, уни дарҳол сувга от. Сувга тушганда ўзидан-ўзи ёзилиб кетади. Борди-ю, Тошбақани учратсанг, панжаларинг билан косасидан ажратиб ол,— деб йўл кўрсатаркан.

Кунлардан бир куни ойдин кечада Холдор Қоплон ағдарилиб тушган дарахт танасининг остида Серзарда-Сертикан Типратикан билан Оғиркарвон Тошбақа ёнма-ён ўтирганини кўриб қолибди. Уларнинг қочиб қутулишга имконлари йўқ экан. Шунинг учун Серзарда-Сертикан Типратикан дарров копток бўлиб олибди, Оғиркарвон Тошбақа бўлса, боши ва оёқларини косасининг ичига тортиб олибди. (Улар жуда яхши иш қилишибди-а, тўғри эмасми?)

— Сизларга битта гапим бор,— дебди Холдор Қоплон,— қулоқ солсаларингиз ўзингизга фойда. Ойим менга агар Типратиканни кўрсанг, сувга от — сувга тушганда ўзидан-ўзи ёзилиб кетади, Тошбақани кўрсанг, уни панжаларинг билан косасидан ажра-

¹ Овқатга ишлатиладиган бир хил ўт.



тиб ол, деб ўргатдилар. Энди айтинглар-чи, қайси бирингиз Типратикан-у, қайси бирингиз Тошбақасиз? Холларим билан қасамёд қиламанки, сизларни бир-бирингиздан ажрата олмаяпман.

— Онангнинг ҳамма айтганларини яхши эслайсанми? — деб сўрабди Серзарда-Сертикан Типратикан,— мабодо чалкаштириб юборган бўлмагин. Балки у, Тошбақа ёзилиб кетганда уни сувдан ушлаб ол, Типратиканни ушласанг, уни косасига ур де-гандир?

— Адашиб ўтирма тагин,— дебди Оғиркарвон Тошбақа,— ойинг балки Типратиканни сувга солиб уни панжанг билан яхшилаб тирнагин, Тошбақага дуч келиб қолсанг, уни косасидан ажратиб олгин де-гандир?



— Наҳотки шундай бўлса,—деб бир оз шошқалоқлик қилибди Холдор Қоплон,— марҳамат қилиб, ҳозир айтганларингизни яна бир марта қайтарсангиз. Иложи бўлса аниқроқ қилиб гапиринглар.

— Агар сен тирноқларинг билан сувни тирнайдиган бўлсанг, уни қуй-да, Типратикан билан ёйиб юбор,— дебди

Серзарда - Сертикан Типратикан,— шундай қилиш эсингдан чиқмасин, бу жуда муҳим.

— Бир дам тўхтаб тур,— дебди Оғиркарвон Тошбақа,— агар сен Типратикандан сиқиб сув чиқарадиган бўлсанг, ўша сувни Тошбақанинг устидан қуйишинг керак. Наҳотки шуни ҳам билмасанг?

— Сизларнинг гапингиздан бошим баттар ғовлаб кетди,— дебди Холдор Қоплон,— мен сизлардан маслаҳат сўраётганим йўқ. Фақат қайси бирингиз Типратикан ва қайси бирингиз Тошбақа эканлигингизни билмоқчийдим.

— Айтмайман,— дебди Типратикан,— агар хоҳласанг кел, мени косамдан ажратиб кўр-чи.

— Аҳа,— дебди Холдор Қоплон,— энди билиб олдим: сен Тошбақасан. Тополмайди деб ўйлабмидинг? Топдим-ку!

Қоплон Типратикан копток бўлиб олган пайт-




да кучининг борича уриб қолибди. Ўзинг ҳам би-
либ тургандирсан, Тип-
ратиканнинг найзадай
ўткир тиканлари унинг
панжасини дабдала қи-
либ, қонга бўябди. Бу
ҳам майли-я. Қоплон
Типратиканни панжаси
билан уриб, уни чангал-
зорга улоқтириб юбор-
ган экан, қоронғи тушиб
қолганидан уни буталар
орасидан топа олмабди.
Қоплон аламига чидол-

май панжаларини оғзига тикқан экан, фойдаси бўл-
мабди, игна кирган жойлари баттарроқ зирқирабди.
Оғриқдан карахт бўлиб қолиб алламаҳалгача тили
гапга келмабди.

— Ақлим етиб туриб-
ди, униси Тошбақа эмас
экан. Буниси-чи, Тошба-
қаси шумикин?

У соғ панжаси билан
бошини қашиб ўйлаб қо-
либди.

— Тошбақа худди мен
бўламан,— деб ростини ай-
тибди Оғиркарвон,— ойинг
сенга тўғри ўргатган экан,
Тошбақани кўрсанг коса-
сидан ажратиб ол деб.
Мана мен Тошбақаман.



Нега жим турибсан?

— Ҳайронман, ҳозиргина сен ойимнинг бир нарса деганини гапириб турувдинг, энди бўлса бошқа нарса деганини гапириб турибсан, — дебди Қоплон панжасига кирган тиканларни тиши билан чиқазаётиб.

— Бошқа нарса деганини айтяпсан дейсанми? — дебди Тошбақа. — Хўш, нима бўлибди? Агар сен айтмоқчи, ойинг мен айтмоқчи бўлган гапни айтган бўлса, бундан чиқадики, у айтган гапни мен ҳам айтибман. Агар ойинг сенга мени косам билан қўшиб сувга ташлаб юбормай, балки мени панжаларинг билан ёйиб юборишингни айтган бўлса, у билан менинг қанчаллик ишим бор?

Холдор Қоплон:

— Ҳозиргина ўзинг сени косангдан ажратиб олишим кераклигини айтдинг-ку! — дебди.

Оғиркарвон:

— Яхшилаб ўйлаб кўрсанг, менинг бундай демоқчи бўлмаганимга ўзинг ҳам ишонасан. Мен фақат сенинг ойинг сенга мени косамдан ажратиб олишинг кераклигини айтган, дедим холос.

— Борди-ю косангни шилиб олсам нима бўлади? — деб эҳтиётлик билан сўрабди Қоплон ҳавони ҳидлаб туриб.

— Билмадим, шу маҳалгача ҳали ҳеч ким косамни шилмаган. Агарда сендан узоқлашиб қандай қилиб сузиб кетишимни кўрмоқчи бўлсанг, марҳамат қилиб мени сувга қўйиб юбор.


— Гапингга ишонмайман, — дебди Холдор Қоплон, — ойим менга бир нарсалар айтувдилар, сен бўлсанг бошқа нарса деган, деб енгасан. Миям шундай ғовлаб кетдики, думим қаёқда-ю, бошим қаёқдалигини ажратолмай қолдим. Ҳозир ҳаммасини шундай равшан қилиб тушунтирдингки, гапларингни эшитганимдан кейин ҳаммасини чалкаштириб юбордим.


Ойим менга иккалангдан биттангни сувга ташлашим-ни айтувдилар. Ўзингки мени сувга қўйиб юбор деяп-санми, демак, аслида тушгинг йўқ. Қутулиб қолмоқчи-сан. Қани, имилламасдан, дарров сувга сакра! Тезроқ бўл!

— Хўп, сакрасам сакрай қолай. Барибир, ўзинг-га қийин бўлади. Ойингдан гап эшитасан. Лекин ойинг айтган гапни сенга айтмаганимни унга гапириб ўтирма тагин, хўпми?..

— Агар ойим айтган гап ҳақида яна оғиз очадиган бўлсанг, кейин ўзингдан кўр!

Қоплон гапини тугатмасданоқ, Тошбақа лойқа сувли Амазонка дарёсига шўнғиб кетибди. Анчагача сувнинг тагида сузиб юриб, уни Серзарда-Сертикан Типратикан кутиб турган қирғоққа чиқиб олибди.





— Ҳалок бўлишимизга сал қолди-я!— дебди Тип-
ратикан.— Холдор Қоплон бошимизга битган бало
бўлди. Сен ўзинг ҳақингда унга нима дединг?

— Мен тўғрисини гапирдим. Тошбақаман дедим.
Ишонмади. Сувга тушишга мажбур қилди. Кейин
чиндан ҳам Тошбақа эканлигимни билиб қолди. Ҳо-
зир онасига шикоят қилгани кетди. Сен ҳам эшитяп-
санми?

Лойқа сувли Амазонка дарёси қирғоқларида ўсиб
ётган чангалзор орасидан Қоплоннинг ўкириб онасини
чақираётгани эшитилиб тураркан. Онаси уни қидириб
топибди.

— Оҳ, дўмбоғим, дўмбоққинам,— дебди у ажо-
йиб думини ликиллашиб,— нима қилиб қўйдинг? Қош
қўяман деб кўз чиқарибсан-ку.

— Дарё бўйида битта жониворни кўриб қолдим.
Панжам билан уни косасидан ажратиб олмоқчи бўл-
дим. Ўзи рози бўлувди... Мана, кўриб турибсиз, бутун
панжам зирапчага тўлди. Шундай оғрияптики...

— Қўй, йиғлама, дўмбоғим,— дебди онаси яна думини чиройли ликилллатиб,— қўлингга кирган зирапчалардан шундоққина кўриб турибман, сен Типратиканга йўлиқибсан. Уни дарров сувга ташлашинг керак эди.

— Сувга бошқасини ташладим. У менинг отим Тошбақа деди. Гапига ишонмадим. Ҳақиқатда у тўғрисида гапирган экан. У сувга, лойқа Амазонкага шўнғиди-ю, ғойиб бўлди. Уни бошқа кўрмадим. Шундай қилиб оч қолдим. Менимча бошқа ерга кўчмасак бўлмайди. Бу ердаги, Амазонка дарёсидаги ҳайвонлар ақлли бўлишаркан. Мен уларни эпполмайман.


— Хафа бўлма, ўғлим,— дебди онаси уни овутиб,— менинг айтганларимга диққат билан қулоқ солгин-да, эсингда маҳкам тут. Типратикан коптокка ўхшаб юмалоқ бўлиб олади ва найзалари узун-узун бўлиб ҳамма ёққа ёйилиб туради. Ана шу белгисидан уни билиб олсанг бўлади.

— Оббо, ялмоғиз кампир-эй,— дебди Серзарда-Сертикан Типратикан,—тағин боласига нима деркин?

— Тошбақа бўлса букилолмайди,— деб тушунтирибди Қоплонга онаси,— Тошбақа боши билан оёқларини косасининг ичига йиғиб олади. Ана шу белгисидан уни билиб олишинг жуда осон.

— Оббо, ялмоғиз кампир-ей,— дебди Оғиркаркон Тошбақа,—бошқа ҳайвонлар тугул Холдор Қоплон ҳам бу гапларни бемалол эслаб қолади.





Типратикан дўстим,
сузишни билмага-
нингга ачинаман-да.

— Менга бун-
чалик ачинмай қўя-
қол,—дебди Серзар-
да-Сертикан Типра-
тикан,—сенинг аҳ-
волинг ҳам меники-
дан яхши эмас. Агар
сен ҳам копток бў-

либ букила олсанг, қандай соз бўларди-я... Лекин
бунинг иложи қанча? Шўримиз қуриди энди... Қу-
лоқ солайлик-чи, Қоплоннинг онаси яна нималар
деяр экан!

Холдор Қоплон бу пайтда лойқа Амазонка бўйида
ўтириб, панжасидаги зирапчаларни чиқараркан, хир-
гойи қилибди:

Кулча бўлса ким агар
Типратикан аталар.
Сувда сузса бемалол,
У Тошбақа—билиб ол.

— Пайшанба куни ёғадиган ёмғирдан кейин ҳам
эсидан чиқазмайди бунинг,—дебди Типратикан,—дўс-
тим Оғиркарвон, сен даҳанимдан тутиб турсанг, мен
сузишни ўрганардим. Бир кун фойдаси тегиб қолар.

— Жоним билан, дўстим,—дебди Тошбақа.

Тошбақа Типратиканнинг даҳанидан ушлаб, су-
зишни ўргата бошлабди.

— Сендан жуда яхши сузувчи чиқади,—дебди у
дўстига,—энди сен марҳамат қилиб, менинг совутим
тортиб боғланган ип боғичларини бўшатиб юборсанг,



мен ҳам сенга ўхшаб юмалоқ бўлиб олишни ўрган-моқчиман.

Серзарда-Сертикан Типратикан Тошбақанинг орқасидаги ип боғичларини бўшатиб юборибди.

Тошбақа копток бўлиб букчайишга роса ҳаракат қилибди. Инқиллаб-синқиллаб, охири бутунлай бўлмаса ҳам, сал-пал букчайибди.

— Жудаям яхши букчайдинг,— дебди Типратикан,— етар энди шунча кучанганинг. Рангингда қатра қон қолмади. Энди сенга малол келмаса, яна бир марта мени сувда ушлаб турсанг. Ёнбошлаб сузиб кўраман. Шундай қилиб сузса жуда осон бўлади, дегандинг ўзинг.

Типратикан яна сувга тушибди. Унинг сузишдаги иккинчи дарси бошланибди. Муаллими Тошбақа унинг ёнгинасида сузиб борибди.

— Зеҳнинг ўткир экан,— дебди Тошбақа,— агар яна бир оз қунт қилсанг, Китни ҳам орқада қолдириб кетасан. Энди сен ҳам, малол келмаса, орқамдаги яна иккита тугунчани бўшатиб юборсанг. Олдинга эгилиб кўрмоқчиман. Шундай қилса, жуда осон бўлади дегандинг ўзинг. Ана ўшанда Холдор Қоплон ҳайратдан қотиб қолса керак.

— Жуда яхши чиқяпти,— дебди Амазонканинг лойқа сувида чўмилиб шалаббо бўлган Типратикан,— сен худди менинг ака-укаларим, опа-сингилларимга ўхшаб эгиляпсан. Яна иккита тугунчани бўшат дегингми? Хўп бўлади. Лекин бунақа қаттиқ пишилламагин-да. Холдор Қоплон эшитиб қолади-ку. Бўшашма, дўстим. Сен букчайишни ўрганиб олганингдан кейин мен сувнинг тагида узоқроқ туришга уруниб кўраман. Бу жуда осон дейсан-ку, ўзинг. Уни ҳам ўрганиб олсам, Холдор Қоплон ҳайрон бўлиб қолса керак-а?.. Вой-бў, орқангдаги тангаларинг сурилиб ке-

тибди-ку. Олдин улар қатор-қатор эди, ҳозир бўлса бир-бирига мингашиб кетибди.

— Бу ҳадеб букчайганимдан бўлса керак,— дебди Тошбақа,— сен ҳам анча ўзгариб қолдинг. Илгари каштан ёнғоғига ўхшардинг. Энди бўлса арча бужурига ўхшаб қолдинг. Қара, ҳамма найзаларинг бир-бирига ёпишиб, тангачаларга ўхшаб қолибди.

— Наҳотки шундай бўлса?— деб ажабланибди Типратикан.— Бу сувга тушиб шалаббо бўлганимдан. Энди Холдор Қоплон бизларни кўрса, капалаги учиб кетар дейман.

Икки ўртоқ тонг отгунча бир-бирларига ана шундай кўмаклашишибди. Офтоб чиқиб, атрофни иситганда, дам олиб, ўзларини қурита бошлашибди. Бир-бирларига қараб, жуда ўзгариб кетишганини кўришибди.

Бирга нонушта қилишаётганида Тошбақа бундай дебди:

— Азизим Типратикан, бугун кечагига сира ўхшайман. Дилим сезиб турибди, энди Қоплонни роса мазах қилолсам керак.

— Мен ҳам худди шуни айтмоқчи бўлиб турувдим,— деб унинг гапига қўшилибди Типратикан,— менимча орқангда найзалар кўтариб юргандан кўра, тангачалар кўтариб юрсанг яхши бўларкан. Бунинг устига мен сузишни ҳам ўрганиб олдим. Холдор Қоплон барибир бизларни таниёлмайдиган бўлди! Юр, уни ахтариб топамиз.

Улар Қоплонни дарров топишибди. У ҳалиям зирапча кирган панжаси билан овора экан. Уларни кўрибди-ю, донг қотиб қолибди. Қўрқа-писа орқага тисарилиб, уч марта ўмбалоқ ошиб тушибди.

— Салом, эртангиз хайрли бўлсин,— дебди Сер-

зарда-Сертикан Типратикан,—яхшимисиз, ойингизнинг соғ-саломатликлари жойидами?

— Раҳмат, ойим соғ-саломатлар,—деб жавоб берибди Қоплон,—мени айбга буюрмайсизлар, исмларингиз хаёлимдан кўтарилибди.

— Шунақаям илтифотсиз бўласизми?—дебди Типратикан,—кечагина мени косамдан ажратиб олмоқчи бўлувдингиз-а...

— Ахир кеча бунақа совутинг йўғийди-да, ҳамма ёғинг игналар билан тўла эди. Жуда яхши эсимда. Мана, қўлимга қара. Сенинг игналарингга тўлиб кетган.

— Кечагина Амазонканинг лойқа сувида фарқ бўлиб кетсин деб мени зўрлаб сувга туширувдингиз,—дебди Тошбақа,—бугун бўлса мен билан гаплашгингиз ҳам келмайди. Ҳеч нарса эсингизда турмас экан-да.

— Наҳотки, онангизнинг айтганларини ҳам унутиб қўйган бўлсангиз?—деб сўрабди Серзарда-Сертикан Типратикан,—ахир жуда равшан қилиб айтувдилар-ку:

Кулча бўлса ким агар

Тошбақажон аталар.

Сувда сузса бемалол

Типратикан — билиб ол.

Тошбақа билан Типратикан копток бўлиб олиб, Қоплоннинг атрофида ўмбалоқ оша бошлашибди... Қоплоннинг кўзи олдида худди арава ғилдираги чирпирак бўлиб айланаётгандай, кўзлари тинибди. Нима қилишини билмай онасининг ёнига югурибди.

— Ойи-чи, ойи!—дебди у,—хув ўрмонда қандайдир янги ҳайвонлар пайдо бўлибди. Улардан биттасини сиз сузолмайди деган эдингиз, у бемалол сузиб

кетяпти, бошқасини букилолмайди деган эдингиз, уни-
си бемалол букиляпти. Худди кийимларини алмашти-
риб олишганга ўхшайди. Олдин биттаси силлиқ, ик-
кинчиси игнали эди. Энди бўлса иккаласи ҳам тан-
гачали. Бунинг устига шундай чархпалак бўлиб
айланишадики, бошим гангиб қолди.

— Оббо, сен-ей,— дебди унга онаси думини ўй-
натиб,— Типратикан Типратикан-да. Бошқа нима
бўларди. Тошбақа ҳам Тошбақа. Бошқа кийим кий-
гани билан ўзгариб қолармиди?

— Лекин бу Типратикан эмас-да! Тошбақа ҳам
эмас! Типратиканга ҳам, Тошбақага ҳам ўхшамайди.
Уни нима деб аталишини билмайман.

— Шунга ҳам ташвишми?— дебди унга онаси,—
ҳамма нарсанинг ҳам ўз номи бўлади. Унга ном то-
пилмаётган бўлса, мен уни Зирҳ Тўнли Ҳайвон деб
атайман. Сенинг ўрнингда бўлганимда мен улардан
узоқроқда юрамиз.

Қоплон онасининг айтганини қилиб, уларга тег-
мабди. Лекин энг қизиғи шундаки, лойқа сувли Ама-
зонка дарёсида Серзарда-Сертикан Типратикан билан
Оғиркарвон Тошбақани ҳалигача Зирҳ Тўнли Ҳайвон-
лар деб аташади. Тўғри, бошқа ерларда ҳам илгари-
гидек Типратиканлар, Тошбақалар бор. (Улар менинг
боғимда ҳам учрайди.) Лекин қадим замонларда лой-
қа сувли Амазонка дарёсининг қирғоқларида яшаган
териси арча бужурларига ўхшаш тангалар билан қоп-
ланган ўша Типратикан ва Тошбақа уларнинг ичида
энг яхшиси, энг ақллиси ҳисобланади. Улар жуда
ақлли бўлишганидан Зирҳ Тўнли Ҳайвонлар деб
аталади.

Типратикан билан Тошбақанинг донолигига сен
ҳам қойилдирсан-а, ўқувчим? Улар топқирлик қилиб
Холдор Қоплондан қутулиб қолишди-а?

Амазонка — олис дарё
Азим дарё — зўр дарё.
Амазонка қирғоғида
Бўлмаганман мен асло.

Унга «Дон» ва «Магдалина»
Кемалари борадир,
Амазонка олис дарё
Улкан, азим дарёдир.

Ливерпуль кўрфазидан
Ҳар ҳафтада бир марта
Узоқ-узоқ қирғоқларга
Кема жўнар саҳарда.


Бразилия ўлкасига
Жўнатаркан кемани
Менинг ҳам у кема билан
Бирга кетгим келади.

Бизнинг шимол ўрмонларин
Кезиб топмас ҳеч одам;

Зирҳ Тўн кийган Тошбақа йўқ,
Йўқ узун дум Қоплон ҳам.

Бразилия ўлкасининг
Ўрмонлари бошқа-да!
Узун думли Қоплон ҳам кўп,
Кўп Зирҳ Тўнли Тошбақа.

Қаригунча кўраманми
Сени бир бор ўзим ҳам:
Бразилиям,
Бразилиям,
Жон Бразилиям.



ЭНГ БИРИНЧИ ХАТ ҚАНДАЙ ЁЗИЛГАН ЭДИ



Жуда қадим замонда, Тош асрида бир одам яшаган экан. У ибтидоий киши бўлган экан. Уша киши ғорда яшаган, кийимлари ҳам жуда кам бўлган экан. У на ўқишни ва на ёзишни биларкан. Ўқиш-ёзишга қизиқмаган ҳам экан. Қорним.

тўқ, шунинг ўзи менга катта бахт деб юравераркан. Унинг исми Тегумай Бонсулай экан. Бунинг маъноси: ҳеч қачон шошиб-пишиб юрмайдиган одам дегани экан. Лекин биз қисқароқ қилиб Тегумай дея қоламиз. У одамнинг хотини ҳам бўлиб, исми Тешумай Тевиндро экан. Бунинг маъноси: ҳадеб савол бераверадиган хотин экан. Уни ҳам қисқароқ қилиб Тешумай деяверамиз. Бояги кишининг Таффамай Металлумай деган қизчаси ҳам бўлган экан. Бунинг маъноси — шўхлик қилгани учун яхшилаб шапати ейдиган қиз дегани экан. Мен уни оддийгина қилиб Таффи дея қоламан.

Тегумай Бонсулай билан хотини қизчаларини жуда яхши кўришар, доимо эркалатиб жуда камдан-кам уришар экан. Учовлари тотув, бахтли ҳаёт кечиришар экан. Таффи ўзи юрадиган бўлгач, доимо отаси Тегумайнинг кетидан эргашадиган бўлибди. Ота-бола эрталаб чиқиб кетганларича қоринлари очгандагина ғорга қайтишаркан. Тешумай Тевиндро уларни кўргач:

— Қаерларда қолиб кетдинглар? Аҳволингизни кўринг. Искїрт бўлиб кетибсизлар-ку! Сен, Тегумай, шу ёш бола Таффидан ҳам баттарсан,— дер экан.

Энди, азиз ўқувчим, бу ёғини мен гапириб берай, сен диққат билан эшит.

Кунлардан бир кун Тегумай ўткир найзасини елкасига осиб, тушки овқатга зоғора балиқ овлаб келиш учун йўлга тушибди. Қундузлар яшайдиган ботқоқликдан ўтиб, Вагай дарёсига етибди. Таффи ҳам отаси билан бирга экан. Тегумайнинг найзаси ёғочдан қилинган бўлиб, учига акуланинг тиши ўрнатилган экан. У найзасини сузиб кетаётган балиққа санчмоқчи бўлиб зарб билан отганида, тошга тегибди-ю, қоқ ўртасидан синиб кетибди. Нима қилиш керак? Уйгача анча йўл (яхшиямки улар халтага егулик нарса

солиб олишган экан), Тегумай бўлса уйдан атиги битта найза билан чиққан экан. Уйда бошқаси эсидан чиқиб қолган экан.

— Эҳ,ғиж-ғиж балиғ-а,—дебди у,— то найзани тузатиб бўлгунимча кун ўтиб кетади.

— Уйда бошқа найзангиз бор-ку, дадажон,— дебди Таффи,— ҳалиги узун, қораси-чи, ўшани айтяпман. Агар хўп десангиз, ғорга чопқиллаб бориб ойимдан олиб келаман.

— Қачон бориб, қачон келасан,—дебди Тегумай,— чарчаб қоласан. Йўл ҳам хавфли. Қундузлар ботқоғида чўкиб кетишинг мумкин. Шошмай тур, бир иложини қилармиз.

Тегумай ерга ўтирибди-да, чарм халтачасидан буғу пайи, узун-қисқа қилиб қирқилган чарм бўлаклари, жиндек сақич ва бир озгина асалари муми олиб, найзасини тузатмоқчи бўлибди. Таффи бўлса дадасидан нарироқда оёқларини сувга солиб, қўлларини даҳанига тираганча қаттиқ ўйга толибди. Кейин дадасига юзланиб:

— Афсуски, ёзишни билмаймиз. Қандай ваҳшийлик! Агар уйга бошқа найза юборинглар, деб хат ёзиб юборганимизда қандай яхши бўларди,—дебди.

— Таффи, сенга неча марталаб кўпол сўзларни айтма дейман-ку,—дебди Тегумай,— «ваҳшийлик» яхши сўз эмас... Ҳар ҳолда, ўзинг эсга солдинг, ойингга хат юбора олсак чакки бўлмасди.

Худди шу пайт қирғоқ бўйлаб бир бегона киши келаетган экан. У, Тегумайнинг гапини эшитса-да, битта ҳам сўзига тушунмабди. Чунки у узоқ Тевара қабиласидан экан. У, нариги қирғоқдан туриб Таффига жилмаяркан. Нега десангиз унинг ҳам уйида худди Таффига ўхшаган қизчаси бор экан-да! Тегумай халтачасидан ип ўрнида ишлатиладиган буғу пайларини



ўралган калавасини чиқазиб, найзасини тузатаверибди.

— Бу ёққа кел-чи,— деб чақирибди Таффи бегона кишини,— менинг ойим қаерда туришини биласанми?



«Ҳм» дебди Бегона киши. У қизчанинг гапига ту-
шунмас, чунки Тевара қабиласидаи экан.

— Аҳмоқсан,— дебди Таффи ерни тепиб. Қизча дарёда бир гала йирик-йирик зоғора балиқлар сузиб кетаётганини кўриб турар ва дадаси уларни найзаси билан санчиб тутиб ололмаслиги алам қиларкан унга.

— Катталар билан айтишма,— дебди Тегумай орқасига ҳам қайрилиб боқмай. У, ўз иши билан шунчалик овора эканки, бир марта бўлса ҳам Бегона киши томонга қарамабди.

— Айтишаётганим йўқ,— деб жавоб берибди Таффи,— фақат у айтганимни қилсин деяпман. У бўлса ҳеч балога тушунмайди.

— Ундай бўлса мени ишдан қолдирма,— дебди Тегумай ва буғу пайларининг бир учини тишлаб туриб, чўза бошлабди.

Бегона киши бўлса (у ҳақиқатдан ҳам Тевара қабиласидан эди) ўтнинг устига ўтириб олибди. Таффи унга дадаси нима иш қилаётганини кўрсатиб, тушунтира бошлабди.

«Жуда пишиқ бола кўринади,— деб хаёлидан ўтказибди Бегона киши,— тап тортмай, бурнини қийшайтириб мени масхара қилишидан, анови менга қарагиси ҳам келмаётган, анча обрўли кўринаётган қабила бошлиғининг қизига ўхшайди».

У, қизчага дўстона жилмайиб қўйибди.

— Гапимга тушуняпсанми,— дебди Таффи,— ойимларнинг олдиларига борасан деяпман (чунки сенинг оёқларинг меникидан узунроқ, Қундузлар ботқоғига ботиб кетмайсан), бошқа найзани сўрайсан. Қорасини. У ўчоқ бошида илиғлиқ турибди.

Бегона киши бўлса (у теваралик эди) буни ўзича тушунибди: «Жуда ғалати қизча экан-ку. Қўлини силкиб, менга бақиради. Мен бўлсам гапига тушунмайман. Агар унинг буйруқларини бажармасам, анови меҳмонига-орқасини-ўгириб-ўтирган-Одам, обрўли

қабила бошлиғининг қаҳрига учрайманми, деб қўрқаман». У ўрнидан туриб, дарахт пўстлоғидан шилиб, унинг оқ томонини Таффига кўрсатибди. Бу билан у кўнгли оқлигини, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаслигини айтмоқчи экан.

Таффи ҳам унинг ҳаракатини ўзича тушунибди.

— Тушундим, тушундим,— дебди у,— ойимнинг қаердалигини билмоқчисан-да! Мен ёзишни билмайман, лекин қўлимда биронта ўткирроқ нарса бўлса, расм чизиб бера оламан. Мунчоқларингнинг орасидаги ҳув анави акула тишини бирпасга бериб турсанг бўлгани.

Бегона киши (у теваралик эди) индамабди. Шунинг учун Таффи унинг бўйнидаги маржонларини тортиб кўрсатибди. У бўйнига мунчоқлар, акула тишлари ва ҳар хил донларни қатор териб, осиб олган экан.

Бегона киши (у теваралик эди) ўзича: «Астофурулло, шунақаям бола бўладими. Бўйнимдаги акула тишларининг ҳаммаси сеҳрланган. Агар менинг розилигимсиз бирон киши унга қўлини тегизса, ўша заҳоти шишиб кетади ё ёрилиб ўлади дейишарди. Бу болага ҳеч нарса қилмади. Шишмадиям, ўлмадиям. Анови менга парво ҳам қилмай ўтирган отаси афтидан қизининг бирон хавфга йўлиқишидан қўрқмайдиган кўринадди. Яхшиси мен улар билан ширин муомала қилай» — деб ўйлабди. Шунинг учун у иккиланмай бўйнидаги акула тишини олиб Таффига узатибди. Таффи ҳозирги баъзи болалар полга ётиб олиб расм чизишгандай, қорнини ерга бериб оёқларини ўйнатганича ишга тушиб кетибди.

— Ҳозир сенга чиройли қилиб бир нечта расм чизиб бераман,— дебди қизча,— елкамдан қараб туршинг мумкин. Лекин эҳтиёт бўл, қўлимни туртиб


юборма. Олдин дадам қандай қилиб балиқ тутишларини чизаман. Дадамни жуда ўхшатолмасам ҳам майли, лекин ойим тушунадилар. Мен ҳозир найза синиб қолганини чиздим.


Энди дадамга керакли найзани — қорасини чизаман. Мен чизган расмда найза дадамнинг орқасига тегиб сингандай бўлиб чиқди. Бу менинг айбим эмас. Сенинг акула тишинг сурилиб кетди. Кейин пўстлоқ ҳам кичкиналик қиляпти. Сен мана шу найзани келтиришинг керак. Мана буниси — менман. Мен сени найза келтиришга юборяпман. Сочларим расмда чизганимдек ёйилган эмас, лекин шундай қилиб чизиш осонроқ экан.

Энди сенинг расмингни чизаман. Мен ўйлайманки, сен жуда чиройли одамсан. Лекин расмингни чиройли қилиб чизолмайман. Шунинг учун мендан хафа бўлмайсан, майлими?

Бегона киши (у теvarалик эди) жилмайиб қўйибди. У: «Ҳойнаҳой, ҳозир бирон жойда қирғин-барот уруш кетяпти. Мендаги сеҳрланган акула тишини тортиб олганда ҳам шишиб кетмаган, ўлиб қолмаган манови ғалати қизга ҳамма қабила аъзоларини ёрдамга чақириб келишни буюрмоқда. Унинг дадаси қабиланинг бошлиғи. Бўлмаса менга орқасини ўгириб ўтирмасди», деган хаёлга борибди.

— Энди бунга қара,— дебди Таффи ҳафсала билан пўстлоққа алланарсани чизаркан, — бу сенинг рас-







минг бўлади. Отамга керакли найзани келтириб бериш эсингдан чиқиб қолмаслиги учун уни қўлингга тутқазиб қўйдим. Энди сенга ойимни қаердан топишингни кўрсатаман. Мана бу иккита дарахтга етиб олгунингча тўғри юриб борасан, кейин тоққа кўтариласан (мана бу — тоғ), ундан кейин Қундузлар ботқоғига етасан. Ботқоқликда қундузлар тўлиб-тошиб ётибди. Мен қундузларни бош-

дан-оёқ чизишни билмайман, шунинг учун фақат бошини чиздим. Ботқоқда кетаётганингда ҳам фақат уларнинг бошини кўрасан-да! Ботқоқдан қўрқма. Ботқоқликдан чиқишинг билан бизнинг ғоримизга етасан. Лекин у мен чизгандай унчалик катта эмас. Ғоримизнинг оғзини чизолмайман. Мана бу — ойимлар. Ғордан ташқарига чиқиб турибдилар. Ойим чиройли. Менинг ойим дунёдаги ҳамма ойилардан ҳам чиройли. Лекин расмларини бундай




хунук қилиб чизганимга мендан хафа бўлмайдилар. Эсингдан чиқиб қолмаслиги учун дадамга керакли найзани ғорнинг ташқарисида деб чиздим, аслида эса ичкарида. Расмни ойимга кўрсатсанг, найзани олиб берадилар. Ойимларнинг қўлларини кўтариб турган қилиб чиздим. Бу сени кўрганларида хурсанд бўладилар деганим... Расм чиройли чиқди-а, тўғрими? Сен



мени яхши тушундингми ёки ҳаммасини бошқатдан тушунтирайми?

Бегона киши (у теваралик эди) расмга боқиб, бошини сарак-сарак қилибди. У, ўзича шундай дебди: «Агар мен бу улуғ қабила бошлиғига қабиладошларини ёрдамга чақириб келмасам, атрофида найзалари билан пойлаб юрган душманлари уни ўлдириб қўйиши мумкин. Улуғ қабила бошлиғининг мени кўрмаганликка олиб, орқасини ўгириб ўтириш сабабини энди тушундим. Бутазорда яшириниб ётган душманларим сезиб қолади, деб менга иш буюришдан қўрқяпти. Ана



шунинг учун ўзининг мушкул аҳволга тушиб қолганини менга тушунтириш мақсадида ақлли ва доно бола-сига расм чизиб кўрсатишни буюрган. Ҳозир бора-ман-у, уни қутқариб қолиш учун бутун қабиласини бошлаб келаман».

У, Таффининг қўлидан расм чизилган пўстлоқни олибди-ю, йўлни ҳам сўраб ўтирмасдан зинғиллаганча жўнаб кетибди. Таффи хотиржам бўлиб дадасининг ёнига келиб ўтирибди.


— Нима қилаётувдинг?— деб сўрабди қизидан Тегумай. У синган найзасини улаб тузатиб, энди текшириб кўраётган экан.

— Ҳозирча бу сир, дадажон,— дебди Таффи,— бирпасдан кейин ҳаммасини билиб оласиз. Ҳали шундай хурсанд бўласизки... Суюнчисини тайёрлаб қўяверинг.

— Хўп, хўп,— деб рози бўлибди Тегумай ва балиқ овлаш билан овора бўлиб кетибди.


Бегона киши (унинг теваралик эканлиги ёдингда бўлса керак) қўлида расм билан югура-югура бир неча чақирим йўлни босиб қўйибди. Югуриб кетаётиб, беҳосдан нақ Тешумай Тевиндронинг ўзига урилиб кетибди. У ғор оғзида туриб олиб, уникига меҳмонга келган қадимги хотинлар билан чуғурлаб, аллакимни ғийбат қилаётган экан. Таффи онасига жуда ўхшар экан. Кўзлари ва пешонаси худди онасининг ўзи. Бегона киши Тешумайни таниб, жилмайганича қўлидаги расмни унга топширибди. У югуриб-елиб чарчаган, оёқларига тикан кириб қонатган бўлса ҳам илтифотли бўлишга ҳаракат қилибди.

Тешумай расмга кўз ташлабди-ю, жон-пони чиқиб аюханнос солганича Бегона кишига ташланибди. Бошқа хотинларнинг олтови ҳам унинг устига ёпирилишиб, ерга ағдариб дўппослай кетишибди.



Тешумай бўлса жон-жаҳди билан унинг сочидан чангаллаб тортар эмиш.

— Қилган ишини кўринглар, яшшамагурни,— деб бидирлабди у,— бу киши Тегумайга найза санчибди. Таффи шундай кўрқиб кетганки, қизимнинг ҳар бир соч толаси найзага ўхшаб диккайиб кетибди. Шунча озор бергани камлик қилгандай яна ўз ёвузликларини кўз-кўз қилмоқчи бўлиб мана бу расмни ҳам кўтариб келибди. Чизган расмига қараңглар,



(у Бегона кишининг устига чиқиб, қаторлашиб ўтириб олган хотинларга кўрсата бошлабди) бу — Тегумай, қўли синган. Орқасига найза санчилган. Мана бу киши Тегумайга найзасини отмоқчи бўлиб турибди. Бошқаси ғорнинг ичидан туриб унга ҳужум қилмоқчи. Яна бир гуруҳ душманлар (Таффи чизган қундузлар кўпроқ одамларга ўхшар экан) орқадан пусиб келишяпти... Қандай кўргилик бу!..

— Даҳшат, даҳшат,— деб чувиллашибди аёллар ва Бегона кишининг бошига лой чаплаб ташлашибди. Бегона киши эса ҳайратдан донг қотиб қолган экан.




Кейин гумбурлатиб хавфдан хабар берувчи ногорани чалиб юборишибди. Ноғора овозини эшитиб, Тегумайга қарашли ҳамма қабила бошлиқлари ўз қўмондонлари, негусларини эргаштириб кела бошлабдилар. Уларнинг кетидан авлиёлар, коҳинлар, афсунгарлар ва бошқалар келишаркан. Ҳаммалари бир жойга йиғилишиб, Бегона кишининг калласи олинсин, деб

ҳукм чиқаришибди. Лекин ҳукм ижро этилишидан аввал бизни дарёга олиб бориб, Таффини қаерга яшириб қўйганини кўрсатади, дейишибди.

Бегона киши теваралик бўлса ҳам хотинларнинг қилиғидан жаҳли чиқибди. Ахир улар унинг сочларига лой суртиб ташлашибди, ерга ётқизиб, тош кўчада судрашибди, олтитаси анча вақтгача унинг устидан тушмай ўтиришибди. Аямасдан дўппослашиб, роса ҳолдан тойдиришибди. Бегона киши уларнинг тилига





тушунмаса-да, роса қарғаб уришаётганларини сезиб тураркан. Шундай бўлса ҳам чурқ этмай ҳаммасига чидабди. Қабила аъзоларининг ҳаммаси йиғилгач, уларни Вагай дарёсига бошлаб борибди. Одамларнинг кўзи қирғоқда ўтирган Таффига тушибди. У дасторгулдан чамбарак ясар, Тегумай бўлса тузатиб олган найзаси билан битта зогорабалиқни нишонга олиб турган экан.

— Дарров қайтиб келдинг-а!— деб хитоб қилибди Таффи,— лекин шунча одамларни нимага бошлаб келдинг? Дада, мен сизга айтувдимку, ҳайрон қоласиз деб. Энди ишондингизми?

— Ишондим, қизим, ишондим,— дебди Тегумай,— лекин бугун овим баролидан келмади... Менга қара, қизим, бутун қабиламиз нимага бу ерга тўпланди?

Ҳақиқатан ҳам қабиланинг ҳамма аъзолари шу ерга йиғилишган экан. Энг олдинда қўшни хотин-халажлар билан Тешумай Тевиндро Бегона кишига ёпишиб унй ўртага олиб туришганмиш. У теваралик бўлса ҳам бошига лой чаплаб ташлашган экан. Уларнинг орқасида энг катта бошлиқ ўринбосари билан, министрлар, уларнинг тиш-тирноғигача қуролланиб олган ёрдамчилари, негуслар, саркардалар, юзбошилар, аскарбошилар ўзларига тегишли одамлари билан туришганмиш.

Қабиланинг қолган ҳамма аъзолари уларга эргашиб келаётганмиш. Уларнинг бақириқ-чақириқларидан дарёдаги балиқлар тумтарақай қочиб кетишибди. Бундан Тегумайнинг шундай жаҳли чиқибдики, тўпланганларни овозининг борица бўралаб сўкиб берибди.


Тешумай Тевиндро ҳеч нарсага парво қилмай Таффининг ёнига югуриб келиб уни бағрига босди.



юзларидан тинмай ўпа бошлабди. Қабиланинг энг катта бошлиғи бўлса Тегумайга яқинлашиб, бошига қўндириб олган патларига чанг солиб силкита бошлабди.

— Гапир! Гапир! Ҳаммасини гапир!— деб қичқиришибди қабила аъзолари.

— Нима гап ўзи?— дебди Тегумай,— бошимдаги патларга нега ёпишасизлар? Ов пайтида одам найзасини синдириб қўйса, суриштирмай келиб уравериш




экан-да? Бировнинг ишига аралашиб нима қила-
сизлар?

— Дадамнинг қора найзасини келтирмадингми?—
деб сўрабди Таффи.— Бир гап бўлдимиз сизларга? Бе-
гуноҳ кишини нега қийнайсизлар?

Аввал иккитадан, учтадан бўлишиб, кейин ҳамма
қабила аъзолари ёпирилиб келиб, Бегона кишини дўп-
послайверишибди. Қийнаб ураверишганидан бечора-
нинг кўзлари соққасидан чиқиб кетибди. Унинг тили
калимага келмас, фақат боши билан имо қилиб, Таф-
фини кўрсатаркан.

— Азизим Тегумай, сенга найзаларини санчмоқчи



бўлган душманлар қаёққа кетди?— деб сўрабди Тешумай.

— Нима деб вайсаяпсан? Қанақа душманлар ҳақида гапиряпсан? Боя анови бечорани кўрувдим, холос. Бошқа ҳеч кимни кўрганим йўқ. Нима гап ўзи, қабиладошларимиз эсини еб қўйганми?

— Бегона киши бизга ғоят даҳшатли расм кўрсатди,— дебди қабиланинг энг катта бошлиғи,— унда сенинг ҳамма ёғингга найзалар санчиб ташланган экан.

Бу гапларни эшитган Таффи жим туrolмабди, албатта.

— Ҳалиги...— деб гап бошлабди у,— ростини айтсам... расмни унга мен берувдим...

Таффи жуда ўнғайсиз ҳолда қолган экан.

— Расмни сен чизиб берганмидинг, сен-а?! Шўхлик-қилгани-учун-яхшилаб-шапати-ейдиган қиз-а?!— деб бақирибди бутун қабила аъзолари.

— Таффи, қизим, эҳтиёт бўл, ҳозир булар сен билан мени бирон балoга гирифтор қилишмаса яхши эди...— деб Тегумай қизини маҳкам кучоқлаб олибди. Шундан кейингина Таффи хотиржам бўлибди.

— Гапир! Гапир! Ҳаммасини гапир!— деб талаб қилибди қабиланинг энг катта бошлиғи, бир оёғида сакраркан.

— Бегона киши дадамга қора найзасини келтириб берсин, деб расм чизувдим,— деб тушунтира бошлабди Таффи,— айтганларим Бегона кишининг эсидан чиқиб қолмаслиги учун битта расмни уч марта чиздим. Агар расмда у дадамнинг орқасига найза санчаётгандек чиққан бўлса, бу пўстлоқда жой камлигидан. Ойим душманлар деб атаган майда шакллар Қундузлар бўлади. Ахир Бегона кишига Қундузлар ботқоғидан ўтиб боришни кўрсатишим керак эди-да! Шундай эмасми? Ойимни ғорнинг оғзида турган қилиб чиздим.

У Бегона кишига кулиб турибди. Нега десангиз, Бегона киши яхши одам-да... Сизлар бўлсангиз, нималарни ўйлаб юрибсиз. Шундай яхши, меҳрибон кишининг бошига лой суртиб ташлабсизлар, ҳозироқ ювиб ташланглар!

Бу гапларни эшитгач, ҳаммалари анчагача индамай қолишибди. Анчадан кейин қабиланинг энг катта бошлиғи қаҳ-қаҳлаб кулиб юборибди. Кейин Бегона киши (унинг теваралик экани ёдингдадир), Тегумай кулиб юборишибди. Бора-бора Тегумай қабиласининг ҳаммаси кулгига қўшилибди. Улар узоқ вақт қотиб қотиб кулишибди...

Қабиланинг энг катта бошлиғи ҳаммани тартибга чақиргач:

— Шўхликлари-учун-яхшилаб-шапати-ейдиган қизча! Сен буюк кашфиёт очдинг!— дебди.

— Мен ҳеч нарсани кашф қилмоқчи эмасдим, — деб жавоб берибди Таффи, — мен фақат дадамнинг қора найзаларини келтиришни сўрадим.


— Барибир, бу — улуғ кашфиёт. Шундай кун келадими, бу кашфиётни одамлар Биринчи ёзувни билиш деб атайдилар. Ҳозирча хат ўрнига бир-биримизга расм юбориб турамиз. Лекин кўриб турибсизлар, расмда чизилганларни доим ўшандай тушуниб бўлмайди. Гоҳида жуда даҳшатли англашилмовчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин аминманки, қабиладошларим, бир кунмас-бир кун биз ҳарфлар ўйлаб чиқарамиз, уларнинг ёрдамида ўқиш, ёзишни ўрганиб оламиз. Ўшанда хато бўлмайди. Шундай кун албатта келади. Қани энди сиз қадимги хонимлар, Бегона кишининг бошини ювиб қўйинглар!

— Мана бу бошқа гап!— дебди Таффи, — сизлар қабиладаги ҳамма найзаларни келтирибсиз-у, дадамнинг қора найзасини келтиришни унутибсизлар.


Қабиланинг энг катта бошлиғи ҳаммани тартибга чақириб, тўхтатиб, куйлагандек овоз билан:

— Бошқа гал расм чизиб хат юбормоқчи бўлсанг, қизча, хатинг билан бирга унинг мазмунини гапириб бера оладиган, тилимизга тушунадиган одамни қўшиб юбор! Агар шундай қилмасанг, қабиламизни қанчалик саросимага солиб қўйишингни ўзинг кўриб турибсан. Тил билмайдиган Бегона кишининг ҳоли нима бўлишини кўриб турибсан,— дебди.

Қабила аъзолари Бегона кишини (у теvarалик бўлса ҳам) ўз сафларига қабул қилишибди. Уни қабиладаги аёллар унга лой чаплаб ташлаганда ҳам одоб сақлагани, хушфеъллиги, одамийлиги учун ўғил қилиб олишибди. Менимча (ҳаммасига Таффи айбдор) ҳозиргача ўқиш ва ёзишни яхши кўрадиган қизчалар дунёда кам топилса керак. Улар ўқиш-ёзишни эмас, Таффига ўхшаб отасидан нарироқда, бурчак-бурчакка бориб олиб расм чизиб ўтиришни яхши кўришади.



ДАЙДИ МУШУК



Энди, азиз ўқувчим, яна битта эртакка диққат билан қулоқ сол, унинг маъносига тушун. Чунки мен сенга ҳикоя қиладиган воқеа жуда қадим замонларда Қўлга ўргатилган ҳайвонлар ҳали Ёввойи ҳайвонлар бўлган вақтда юз берган экан.

Ит ҳам ёввойи, От ҳам ёввойи, Сигир ҳам ёввойи, Қўй ҳам ёввойи, Чўчқа ҳам ёввойи бўлган экан. Ҳаммаси Зах ва Зич ўрмонларда дайдиб юраверишаркан. Уларнинг ичида энг ёввойиси — Ёввойи мушук бўлган экан. У қаерни хоҳласа ўша ерда санқиб юраркан.

Ўша замондаги Одам ҳам ёввойи экан. Ёввойи бўлганда ҳам жуда ёввойиси экан. Агар Аёл киши бўлмаганида унинг Одам бўлиши жуда қийин экан. Аёл у билан биринчи учрашувдаёқ, сенинг ваҳший турмушинг менга ёқмайди дебди. Аёл бошпана учун шинамгина қуп-қуруқ Ғорни топибди. Ахир очиқ ҳавода ҳўл барглари наридан-бери тўшаб ётгандан кўра Ғорнинг ичида маза қилиб ухлаган яхши экан-да. Аёл Ғорнинг ичига қуруқ, топ-тоза қум сешиб, ўртага гулхан ёқибди.



Кейин Ёввойи Отининг терисини келтириб Ёорнинг кираверишига думини ерга қилиб осиб қўйибди.

— Ичкарига киришдан олдин, азизим, оёғингни артиб киргин,— дебди у Эркак кишига,— энди рўзғоримиз битта бўлади.

Уша кун кечқурун улар ёввойи саримсоқ, ёввойи гармдори қўшиб тандирга ёпиб пиширилган ёввойи қўй гўштини ейишибди. Кетидан орасига ёввойи гурунч, ёввойи олма, ёввойи қалампир мунчоқ солиб пиширилган битта ёввойи ғозни ҳам ейишибди. Кейин ёввойи новвоснинг кемирчагини, устидан ёввойи олча, ёввойи анор ейишибди. Эркак киши қорнини тўйғазиб, гам-ташвишни унутиб, гулханнинг яқинроғида ёнбошлаб уйқуга кетибди. Аёл бўлса сочларини ёйиб, қўлига қўйининг силлиқ ва оппоқ курак суягини олиб, диққат билан ундаги ҳар томонга кетган узун чизиқларга қараб, ўтирган жойида сеҳр ўқий бошлабди. Гулханга тараша ташлаб ўтириб, ғалати ашула бошлабди. Бу— дунёда Энг Биринчи Сеҳрлаш, Энг Биринчи Сеҳрли Ашула экан.

Зах ва Зич ўрмондаги жамики Ёввойи Ҳайвонлар ғуж бўлиб тўпланиб олишибди. Улар гулханнинг ёруғига тикилиб, ҳеч нарсага тушунолмай туришаркан.

Ёввойи От жимликни бузиб, туёғини ерга дўқиллатиб уриб:

— О, азиз дўстларим! Душманларим, сизлар ҳам қулоқ солинглар! Дилим сезиб турибди: Эркак киши билан Аёл киши Ёорнинг ичида бекордан-бекорга гулхан ёқишмаган. Бунинг тагида бир гап бор, албатта,— дебди.

Ёввойи Кўппак ёввойи бурнини осмонга қилиб ҳидлаб кўрган экан, қовурилган гўшт ҳиди бурнини қитиқлабди:



— Бориб кўриб келай, кейин сизларга айтиб бераман. Мушукжон, юр мен билан бирга,— дебди у.

— Қўйсанг-чи,— деб жавоб берибди Мушук,— мен Мушукман, қаерни хоҳласам, ўша ерда юравераман.

— Ундай бўлса, мен сенга ўртоқ эмасман,— дебди Ёввойи Кўппак ва тилини осилтирганича Фор томонга югуриб кетибди. У ҳали ўн қадам ҳам йўл босмасиданоқ, Мушук ўзича ўйлаб қолибди: «Мен Мушук бўлсам, қаерни хоҳласам, ўша ерда юраверсам. У ерга бориб нима гаплигини кўриб, билиб келсам нима бўпти? Ахир ўз ихтиёрим билан бораман-ку».


У ҳеч кимга сездирмасдан Кўппакнинг кетидан кетибди, шип-шип сакраб бориб, ҳамма нарсани кўрса, ҳамма гапни эшитса бўладиган ерга етиб олибди-ю, яширинибди.

Ёввойи Кўппак Форга етиб келибди-да, ёввойи тумшуғи билан от терисини кўтариб қараб, қовурилган гўшт ҳидидан сўлаги оқиб остонада тўхтаб қолибди. Суяк билан сеҳр ўқиётган Аёл бўлса шитирлаган овозни эшитиб кулиб қўйибди:

— Ана, биринчиси, ўзи келиб қолди. Ҳой, Ёввойи Урмондан келган Ёввойи Маҳлуқ, бу ерда нима қиляпсан?

Ёввойи Кўппак:

— Эй, Душманимнинг хотини, Душманим, айт-чи,



Ёввойи Ўрмонда димоғимга урилаётган ёқимли ҳид ниманинг ҳиди?— деб сўрабди.

Аёл битта суякни Ёввойи Кўппакнинг олдига ташлаб:

— Мана, Ёввойи Ўрмондан келган Ёввойи Махлуқ, мана бу суякни ғажиб, мазасини татиб кўр,— дебди.

Ёввойи Кўппак суякни ёввойи тишлари орасига олиб ғажиб кўрса шундай ширинмишки, умри бино бўлиб бундай мазали нарса емаган экан.

У Аёлга ялиниб:

— Ҳой, Душманимнинг Хотини, Душманим, менга тагин бир дона шунақа суягингдан бера қол...— дебди.

— Ёввойи Ўрмондан келган Ёввойи Махлуқ,— дебди Аёл,— агар сен Эрим билан бирга овга бориб, унга қарашсанг, кечалари Форга соқчилик қилсанг, сенга хоҳлаганингча суяк ташлайман.

— Оббо,— дебди Мушук уларнинг гапини эшитиб,— жуда ақлли Аёл экан-ку! Лекин, у барибир, мендан ақлли эмас.

Ёввойи Кўппак Форнинг ичкарасига кириб, Аёлнинг тиззасига бошини қўйиб, унинг шартларига рози бўлибди:


— Дўстимнинг Хотини, Дўстим, майли. Эринг овга чиққанда ёрдам беришга, кечалари Форингизга соқчилик қилишга розиман.

— Тавба,— деб ажабланибди Мушук уларнинг гапига қулоқ соларкан.— Кўппак ғирт аҳмоқ экан-ку!

Мушукнинг энсаси қотиб, Ёввойи Ўрмон оралаб, келган изидан орқага қайтиб кетибди. Лекин кўрган-эшитганлари ҳақида ҳеч кимга лом-мим демабди.

Эрталаб Эркак киши уйғониб:

— Ёввойи Кўппак бу ерда нима қилиб юрибди?— деб сўрабди ҳайрон бўлиб.



Аёл жавоб берибди:

— У энди Ёввойи Кўппак эмас, бугундан бошлаб Биринчи дўст. Ўла-ўлгунча бизларга дўст бўлиб қолади. Агар овга чиқсанг, уни ҳам ўзинг билан бирга ола кет.

Эртасига кечқурун Аёл сув бостирилган майса-зордан бир қучоқ ўт ўриб келиб, оловга яқин жойга қўйиб, қурита бошлабди. Ўт пичанга ўхшаб атрофга ёқимли ҳид тарата бошлагач, от терисидан кесиб юганча тайёрлаб қўйибди. Ғорнинг оғзига ўтириб олиб, қўйнинг силлиқ ва оппоқ курак суягига тикилганча сеҳр ўқишга тушибди.

Бу Иккинчи Сеҳрлаш, Иккинчи Сеҳрли Ашула экан.

Ёввойи Ўрмонда яна жамики Ёввойи Ҳайвонлар тўпланишибди. Оловга узоқдан қараб туриб, Ёввойи Қўппакнинг ҳоли нима кечганлиги ҳақида ҳар ким ўз билганича мулоҳаза юритибди. Ниҳоят, Ёввойи От туёғини ерга дўп-дўп уриб гапирибди:

— Бориб кўраман, Ёввойи Қўппакка нима бўлганини келиб айтаман, Мушукжон, юр, хоҳласанг бирга борамиз.

— Боргим йўқ,— деб жавоб берибди Мушук,— мен Мушукман, қаерни хоҳласам ўша ерда ўз ҳолимча юравераман. Ўзинг кетавер.

Аслида бўлса у ҳеч кимга сездирмасдан Ёввойи Отга эргашиб борибди. Шип-шип юриб бориб, ҳаммасини эшитса бўладиган жойга яшириниб олибди.

Аёл от дупурини эшитиб қараб, ўсиб кетган узун ёлини ерда судраб уйга яқинлашиб келаётган Ёввойи Отни кўрибди.

— Ана, иккинчиси ҳам келди! Сен, Ёввойи Ўрмондан чиққан Ёввойи Маҳлуқ, бу ерга нима учун келдинг?

Ёввойи От жавоб қилибди:



— Ҳой, Душманнинг хотини, Душман, ҳозир айт, Ёввойи Кўппак қаёқда қолди?

Аёл кулгидан ўзини тўхтатолмай, қўйнинг курак суягини бир чеккага олиб қўйибди-да, Отга:

— Менга қара, Ёввойи Ўрмондан келган Ёввойи Маҳлуқ, сен Кўппакни қидириб келмагансан,— дебди.

Ёввойи От уялганидан дам у оёғини, дам бу оёғини кўтариб босиб, узун ёллари билан ерни супуриб:

— Рост гапиряпсан. Менга пичанингдан озгина бера қол, — деб тан олибди.

Аёл эса қуйидаги шартни қўйибди:

— Ёввойи Ўрмондан келган Ёввойи Маҳлуқ, ёввойи бошининг пастга эг ва бўйнингга илган нарсамни осиб юр. Уни ўла-ўлгунигча ташламайсан, агар шунга хўп десанг, ҳар кун ич маҳал шу ўтдан бериб боқаман.

— Оббо шайтон-эй,— деб минғирлабди Мушук уларнинг гапига қулоқ солиб туриб,— аёл жуда ақлли экан-ку, барибир, мендан ақлли эмас.

Ёввойи От бошини пастга эгган экан, Аёл дарров уни юганлабди.

От бошини аёлнинг оёғига уриб:

— О, Жанобимнинг хотини, Жаноб олнйлари, шу мазали пичанингиз учун сизга абадий қул бўлайин!— дебди.

— Ана холос,— дебди Мушук,— От ҳам аҳмоқ экан-ку!

У яна ёввойи думини ликиллатганча Ёввойи ўрмонга кириб кетибди. Лекин кўрган-эшитганларини ҳеч кимга айтмабди.

Эркак киши билан Кўппак овдан қайтиб келишганда:

— Ёввойи От бу ерда нима қилиб юрибди? — деб сўрабди Эркак киши.

Аёл унга:

— Бугундан бошлаб у Ёввойи От эмас, Биринчи Хизматкордир. Абадул-абад бизни бир жойдан иккинчи жойга обориб туради. Овга чиқмоқчи бўлсанг унга миниб оласан,— деб жавоб берибди.

Эртасига Форга Сигир келибди. У ҳам ёввойи экан. Шунинг учун ўсиб кетган шохларини ёввойи дарахт шохларига уриб олмай деб, тумшугини осмонга кўтариб юришга мажбур экан. Мушук сир бой бермасдан, шип-шип юриб унинг орқасидан борибди. Худди илгаригидек пана жойга бориб яширинибди. Ҳаммаси худди олдингидай такрорланибди: Мушук ҳам ўша гапини қайтарибди: Ёввойи Сигир хашак эвазига Аёлга сут бераман, деб ваъда қилганда, Мушук яна худди илгаригидай думини хода қилиб, Ёввойи Ўрмонга кириб кетибди.

Кўрган-эшитганлари ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса деб оғиз очмабди.

Эркак киши, Кўппак ва От овдан қайтишибди, Эркак киши аввалгидек саволини қайтариб, бу ерда Ёввойи Сигир нима қилиб юрибди деб сўраганда, Аёл ҳам ўша жавобини қайтарибди:

—Бугундан бошлаб у Ёввойи Сигир эмас, Гавмуш Сигир бўлади. Бундан кейин доимо янги соғилган сут ичадиган бўлдик. Сен, Биринчи Дўстимиз ва Биринчи Хизматкоримиз ўрмонда ов овлаб юрганингизда мен унга қараб тураман.

Мушук эртасига кечгача Форга тагин биронта Ёввойи Ҳайвон келармикин, деб роса кутибди, йўқ, Зич ва Зах Ўрмондан бошқа ҳеч қандай ҳайвон келмабди. Зерикиб, сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Айланиб юриб, бир маҳал бундай қараса, Аёл сигирни соғиб ўтирганмиш. Форнинг ичи ёп-ёруғ, оппоқ, янги соғилган сутнинг ҳиди иштаҳани қитиқларкан.





У аёлга яқинлашиб:

— Ҳой, Душманимнинг Хотини, Душманим, айтчи, бу орада Сигир кўрмадингми? — деб сўрабди.

— Ёввойи Ўрмондан келган Ёввойи Маҳлуқ,— дебди Аёл кулиб,— яхшиликча бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол! Менга бошқа хизматкорлар ҳам, дўстлар ҳам керак эмас. Ёйилган сочимни ўриб, сеҳрли суягимни яшириб қўйганман.

Ёввойи Мушук:

— Мен хизматкор ҳам, дўст ҳам эмасман. Мен Мушукман, қаерни хоҳласам ўша ерда юравераман. Фор-

га, сенинг олдингга келмоқчийдим, мана келдим,— дебди.

Аёл ундан:

— Нега биринчи кечанинг ўзида Биринчи Дўстимиз билан бирга кела қолмадинг? — деб сўрабди.

Мушукнинг кўзлари ёниб, жаҳли чиқибди:

— Ёввойи Қўппак мен тўғримда оғзига келганини қайтармаганга ўхшайди-а? — дебди.

Аёл кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб:

— Ўзинг-ку, Мушукман, қаерни хоҳласам ўша ерда юравераман дединг. Хизматкор ҳам, дўст ҳам эмасман, деб ўзинг айтяпсан-ку. Бор бўлмаса, қаерни хоҳласанг — ўша ерда дайдиб юравер! — дебди.

Мушук ўзини бу гаплар кўнглига оғир ботгандай кўрсатиб:

— Наҳотки баъзи вақтларда Форга келиб, оловда исиниб кетишим мумкин бўлмаса? Менга атиги бир марта янги соғилган сутдан жиндаккина берсанг нима қилибди? Ақлли, чиройли хотинсан-у, менга раҳминг келмайдими?

— Ақлли эканлигимни ўзим ҳам билардим,— дебди Хотин,— лекин чиройли эканлигимни билмасдим. Шундай келишсак. Агар бир марта бўлса ҳам сени мақтасам, Форнинг ичига киришинг мумкин.

— Борди-ю икки марта мақтаб юборсанг-чи? — деб сўрабди Мушук.

— Хомтама бўлма, ҳеч қачон сени икки марта мақтамайман. Агар адашиб, икки марта мақтаб юборгудай бўлсам, тўппа-тўғри Форнинг ичига кириб, оловда исина қол.

— Борди-ю, уч марта мақтаб юборсанг-чи?

— Бе, ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Бирон сабаб билан сени уч марта мақтаб юборсам, у



ҳолда умрининг охиригача кунда уч маҳал сут ичасан!

Мушук орқасини букиб ҳурпайиб дебди:

— Ғорнинг оғзига тutilган Чодир, Ғордаги ёниб турган Олов, сут солинган Хурмачалар Душманимнинг Хотини, Душманимнинг гапига гувоҳ бўлсинлар!

Мушук шундай дебди-ю, думини хода қилиб Ёввойи Ўрмонга жўнаб қолибди.

Ўша кун кечқурун Одам, Кўппак ва От овдан қайтиб келишганда Аёл ўзи билан Мушук орасида бўлиб ўтган гаплар ҳақида уларга ҳеч нарса демабди. Эҳтимол, бу гап уларга ёқмас деб ўйлабди у.

Мушук шу кетганча дом-дараксиз бўлиб, Ёввойи Ўрмондан чиқмабди. У Аёлнинг эсидан ҳам чиқиб кетибди. Мушукнинг қасрда яшириниб юрганни фақат бошини ерга қаратиб Ғор оғзида осилиб ётадиган Кўр-

шапалаккина биларкан, холос. У кунда кечқурун Мушукнинг олдига учиб бориб, Фордаги янгиликлардан уни хабардор қилиб турибди.

Бир куни Мушукнинг олдига учиб келиб, унга:

— Форда Чақалоқ туғилди! Ўзиям миттидай. Бугдой мағиз, юм-юмалоқ, жажжигинна. Аёл донм уни эркалаб, қучоғига босади,— деб хабар қилибди.

— Жудаям соз,— дебди Мушук буни эшитиб,— Чақалоқ нимани яхши кўраркан?

— Унга ўйинчоқ қилгани силлиқ, юмшоқ нарса бўлса бас,— деб жавоб берибди Кўршапалак,— ухламоқчи бўлса, қўлига биронта иссиқроқ, майинроқ нарсани олиб ўйнайди-да, ухлаб қолади. Кейин уни биров ўйнатиб турса тузук. Унга ана шулар ёқади.

— Худди ўзим ўйлаганимдай,— деб суюниб кетибди Мушук,— ана энди омадим келганга ўхшайди.

Эртаси кечқурун Мушук Ёввойи Ўрмондан чиқибди ва Форнинг олдига бориб, у ерда тонг отаргача ўтирибди. Эрталаб Одам, Кўппак ва От овга чиқиб кетишибди, Аёл бўлса овқатга уннабди. Унинг боласи дам-бадам йиғлаб, ишдан кўяркан. Шунда Аёл болани Фордан ташқарига олиб чиқиб, ўйнаб ўтирсин деб олдига тошчалар тўкиб кетибди. Лекин бола бари бир бу билан овунмабди. Шунда Мушук аста юриб келибди-да, юмшоқ, майин панжасини чўзиб, Боланинг юзини сийпалабди, унинг тиззасига қорнини теккизиб керишибди, думи билан иягини қитиқлабди.



Бола қиқир-қиқир кула бошлабди. Унинг кулаётганини эшитиб, ойиси ҳам жилмайибди.

Худди шу пайт Ғорнинг оғзида бошини ерга қаратиб осилиб ётган кичкина Қўршапалак гапириб қолибди:

— О, Хўжайинимнинг Хотини, шу Боланинг онаси — менинг Бекам! Ёввойи Маҳлуқнинг Ёввойи Урмондан келиб болағизни овутиб ўйнатаётганини бир томоша қилсангиз-чи!

— Омон бўлсин ўша Ёввойи Маҳлуқ. Раҳмат. Жонимга оро кирди у,—дебди Хотин ичкаридан туриб,— шундай ишим кўплигида оғиримни енгил қилиб турибди.

Шундай қилиб, азиз ўқувчим, Аёл гапини тугатмасданок, Ғорнинг оғзига осиб қўйилган отнинг териси сирғалиб пастга тушиб кетибди (шундагина Аёлнинг Мушук билан келишиб қўйгани эсига тушибди). У то терини кўтариб жойига қўйгунича, Мушук Ғорнинг ичига кириб, ўзига қулай жой топиб олибди.

— Душманимнинг Хотини, иккинчи Душманимнинг онаси, Душманим, менга қара,—дебди Мушук,— мен мана бу ерданман. Сен мени мақтадинг, энди Ғор умрбод ўзимники бўлади. Лекин бир нарса эсингдан чиқмасин: мен Мушукман ва қаерни хоҳласам, ўша ерда юравераман.

Аёл хато қилиб қўйганидан жаҳли чиқса ҳам сирбой бермай, тилини тишлаб чархини айлантириб, ипйигира бошлабди.

Ҳадемай, бола яна йиғлай бошлабди. Чунки Мушук унинг олдидан кетиб қолган экан-да! Аёл уришиб кўриб, болани тинчитолмабди. Бола чириллаб йиғлаб, кўкариб кетибди.

— Душманимнинг Хотини, иккинчи Душманимнинг онаси, Душманим,—деб гап бошлабди Мушук,—

гапимга қулоқ сол. Йигираётган ипингдан бир қатим узгин-да, бир учини урчуққа улаб қўй. Мен уни копток қилиб ўйнай бошлайман. Боланг менинг ишимни кўриб йиғидан таққа тўхтайди. Тўхтайди-ю, кулаверади, кулаверади.

— Майли, сенинг айтганингдай бўла қолсин,— дебди Аёл,— ўзим ҳам нима қилишга ақлим етмай хайрон бўлиб турувдим. Лекин билиб қўй. Мендан энди бошқа раҳмат эшитмайсан.

Аёл урчуққа ипнинг бир учини улаб, ерга юмалатиб юборибди. Мушук бўлса уни копток қилиб ўйнар, устидан сакраб ошар, думалатар, қўйиб юбориб яна орқасидан чопаркан. Бола Мушукнинг ўйинига бир зум маҳлиё бўлиб турибди-да, йиғидан тўхтаб, кулиб юборибди. Кейин чарчагунича шўхлик қилиб, Форнинг ичида Мушукнинг орқасидан эргашиб қувлаб юрибди. Уни ушлаб олгач, қўлидан чиқариб юбормай маҳкам қучоқлаганича мудрай бошлабди.

— Энди алла айтиб, уни ухлатаман. Бир соатгина мириқиб турсин,— дебди Мушук.

У овозини дам баландлатиб, дам пасайтириб хуриллаб болани ухлатиб қўйибди.

Хотин уларнинг тепасига келиб, ҳавас билан қараб турибди-да, нима деяётганини ўзи ҳам сезмай:

— Қойилман сенга Мушукжон, жуда ақлли экансан,— деб юборибди.

Ўша ондаёқ тўс-тўполон бўлиб Форнинг ичи тутунга тўлиб кетибди. Тутун тарқалганда бундай қараса, Мушук гулхан ёнида керилиб ўтирганмиш.

— Душманимнинг Хотини, иккинчи Душманимнинг онаси, Душманим,— дебди Мушук,— мен мана бу ердан. Сен иккинчи марта мени алқадинг, шунинг учун иссиққина ўчоқ бошига жойлашиб олдим. Умрбод шу жой меники бўлади. Лекин яна бир карра

эслатаман: мен Мушукман ва қаерни хоҳласам ўша ерда юравераман.

Аёлга алам қилганидан сочларини ёйиб юбориб, гулханга ўтин ташлаб гуриллатибди. Қўйнинг суягини олиб, яна билмасдан Мушукни учинчи марта мақтаб юбормаслик учун сеҳр ўқий бошлабди.

Бироқ Аёл афсунни овоз чиқармай, ичида ўқиркан. Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолибди. Битта Сичқон бурчакдаги тешикдан аста бошини чиқариб қарабди-да, юқорига чиқиб, пилдираб полдан юриб кетибди.

— Душманимнинг Хотини, иккинчи Душманимнинг онаси, Душманим,—дебди Мушук,—афсун ўқиб, Сичқонни мабодо сен чақирмадингми?

— Нима деб алжираяпсан? Сичқон дейсанми? — деб бақариб юборибди Аёл ва қўлидаги суяги бир тарафга учиб кетибди. Жонҳолатда ёйилиб ётган сочларини йиғиштириб, ўчоқбошидаги курсига сакраб чиқиб олибди. Сичқон сочимнинг орасига кириб олади деб қўрқиб кетган экан.


— Агар уни сен атайлаб чақирмаган бўлсанг, мен бемалол тутиб олиб есам бўларкан,—дебди Мушук.

— Албатта, албатта,—дебди Хотин сочини ўратуриб,—тезроқ тутиб есанг сендан умрбод миннатдор бўлардим.

Мушук бир сакраб ҳамла қилгандаёқ, Сичқонни қўлга туширибди. Аёл суюнганидан чапак чалиб юборибди.

— Мингдан-минг розиман сендан! Энг Биринчи Дўстимиз ҳам Сичқонни бунақа чаққонлик билан қўлга туширолмайди. Сен жуда ақли роса Маҳлуқ экансан.

Аёл ҳали мақтовини тугатмасданоқ оловнинг ёни-



да турган сутли хурмача қоқ ярмидан синиб тушибди. Буни албатта, Мушук қилган экан. Аёл тахтачадан пастга тушиб қараса, Мушук хурмачанинг тагида қолган янги соғилган сутни шапиллатиб ичаётганмиш.

— Душманимнинг Хотини, иккинчи Душманимнинг онаси, Душманим,— дебди Мушук,— сен учинчи марта мени мақтадинг. Энди сўзингда турасан. Менга кунда уч маҳал янги соғилган сутдан берасан. Лекин яна бир карра эслатиб қўяй, мен Мушукман ва қаерни хоҳласам ўша ерда ўз ҳолимча юравераман.

Аёл Мушукнинг гапига тан бериб, жилмайибди ва янги соғилган бир товоқ сутни унинг олдига қўяркан:

— Сенга қойилман, Мушукжон! Сен худди инсонларга ўхшаб ақлли, доносан. Лекин биз ўзаро келишганимиздан Эркак киши ҳам, Кўппак ҳам беҳабар. Уйга қайтишгач, улар нима дейишаркан? — дебди.

— Уларнинг рози-розимаслиги кимга зарур экан! — дебди Мушук,— менга Форда тунашга иссиқ ўрин, кунда уч маҳал янги соғилган сут бўлса бас.

Эркак киши-ю, Кўппак билан менинг қанчалик ишим бор?

Ўша куни кечқуруноқ Эркак киши билан Кўппак овдан қайтиб келишганида Аёл ўзи билан Мушук ўртасидаги келишув ҳақида уларга гапириб берибди. Мушук уларнинг гапига қулоқ солиб жилмайганича оловга яқин жойда исиниб ўтираверибди.

— Келишиб олган бўлсаларинг тузук,— дебди Эркак киши,— бироқ у мен билан ҳам келишиб олса ёмон бўлмасди. Мен орқали мендан кейин яшайдиган ҳамма Эркаклар билан ҳам келишиб олган бўларди.

У бир жуфт этик, чақмоқ тошдан қилинган болта (учта нарса бўлди), узун калтак, ойболта, (ҳаммаси бешта бўлди) келтириб, уларни бир қатор қилиб қўйиб:

— Қел, биз ҳам ўзаро келишиб олайлик. Сен Форда умрбод яшайсан. Лекин шундай шартим бор: агар Сичқонларни тутиб ейиш эсингдан чиқса, мана шу кўз олдингда турган нарсалардан қайси бири қўлимга тушса, ўшаниси билан уравераман. Мендан кейинги Эркак кишиларнинг ҳаммаси ана шундай қилади,— дебди.

— Ҳа, Мушук анча ақлли, Эркак киши бўлса ундан ҳам ақлirroқ,— деб қўйибди ичида Аёл.

Мушук разм солиб қараса, қатор терилган нарсаларнинг ҳар бири зилдай-зилдай эмиш.

— Майли, шартингга розиман! Умрбод Сичқонларни тутиб ейман, лекин, барибир мен Мушукман ва қаерни хоҳласам ўша ерда ўз ҳолимча юравераман.

— Хоҳлаганингча санқиб юравер,— дебди Эркак киши,— лекин мен юрган жойга қадам босмайсан. Кўзимга кўринсанг ё этик билан, ёки сўйил билан аямай тушириб қоламан. Мендан кейинги ҳамма Эркаклар ҳам шундай қилишади.



Худди шу пайт Кўппак ҳам гапга суқилибди.

— Қани энди, мен билан ҳам келишиб олишинг керак. Мен орқали мендан кейин яшайдиган Кўппаклар билан ҳам келишиб олган бўласан,— у тишларини иржайтириб, Мушукка кўрсатибди,— мен Форда яшаган вақтимда Болага қўпол муносабатда бўлсанг, билиб қўй, мендан раҳм-шафқат кутма. Сени қўлимга туширмагунимча орқангдан қуваман. Етиб олсам, жиғингни эзаман. Мендан кейинги ҳамма Итлар ҳам шундай қилишади.

— Ҳа, Мушук анча ақлли, лекин Ит ундан ҳам ақллироқ,— деб ўйлабди Аёл.

Мушук Итнинг тишларини чамалаб ҳисоблаб чиқибди, улар кўзига жуда беҳисоб, ўткир кўринибди.


— Майли, токи Форда яшарканман, Болага қараб тураман. Лекин у ҳам думимдан тортиб озор бермаслиги керак. Ёдингизда бўлсин: мен Мушукман ва қаерни хоҳласам, ўша ерда ўз ҳолимча юраёраман.

— Қандай хоҳласанг, шундай юравер,— дебди Кўппак,— бироқ мен борган жойда бўлмайсан. Шундай қилмасанг, сени кўрган заҳотим вовуллаб, сени дарахтнинг учига чиқариб юбораман. Мендан кейин яшайдиган барча Итлар ҳам шундай қилишади.

Эркак киши худди шу пайт Мушукка этикнинг иккала пойи билан чақмоқ тошдан қилинган болтачани отибди. Мушук ғизиллаганича Фордан ташқарига қочибди. Кўппак унинг орқасидан қувлаб бориб, дарахт тепасига чиқариб юборибди. Ўша кундан бошлаб, азиз ўқувчим, бешта Эркак кишидан учтаси — агар улар ҳақиқий Эркак бўлишса, Мушукни кўриши билан ноқ қўлига нима тушса, ўшани ирғитишаркан. Кўппаклар ҳам, агар улар ҳақиқий Кўппак бўлса, ириллаб Мушукни дарахт тепасига чиқариб юборишармиш.

Мушук ҳам ўз сўзига содиқ бўлиб қолганмиш. Уй-

да бўлса сичқонларни тутиб ёркан, болалар думидан қаттиқ тортиб озор беришмаса, ҳамиша улар билан аҳил-иноқ бўларкан. Лекин бир минут фурсат топса ёки қоронғи тушиб осмонга ой чиқса... «Мен Мушукман, қаерни хоҳласам ўша ерда ўз ҳолимча юраверман» деркан-да, Зич ва Зах Ёввойи Ўрмонга қараб чопаркан ёки Ёввойи дарахтлар тепасига, Баланд Томлар тепасига чиқиб олиб, думини хода қилиб юраркан.




Дарчага термилиб куйлайди Мушўк,
Осилиб чиқади дарахтга чаққон.
Ўйнашар мен билан, орқамдан юрар,
Қувалаб қўймайди мени ҳеч қачон.

Мушугим, сен менга кўп қадрдонсан,
Бирга ўтказамиз бўш вақтимизни.
Мушугим сен менга кўп жонажонсан,
Ажратолмас ҳеч ким ҳеч қачон бизни.

Сув билан мен сенинг
Панжангни ҳўллаб
Қўйиб юбораман — юриб кетасан
Юриб кетасан-у, қувонаман мен,
Йўлбарсинг изини ҳосил этасан.

Эрталаб офтобга чиқиб ўлтириб
Аввал керишасан, сўнг яланасан.
Кечқурун бўлса-чи, тиззамга чиқиб,
Гўдак болалардек эркаланасан.
Тунда каравотнинг остига кириб,

Бошингни ичингга олиб ётасан,
 Ҳамма тинч ухларкан, сен бир бурчакда
 Бор овозинг билан хуррак отасан.



ДУНЁНИ ОСТИН-УСТИН ҚИЛИБ ЮБОРГАН КАПАЛАК



Донишманд шоҳ Сулаймон ибн Довуд ҳақидаги ривоятни эшитганмисан? Бу ривоят китобда ўқиганларингга сира ҳам ўхшамайди.

Дунёда шоҳ Сулаймон ибн Довуд ҳақида уч юз элликта ривоят тарқалган. Ҳозир сен ўқийдиган ри-

воят уларнинг биттасига ҳам ўхшамайди. У, Сулаймон ибн Довуд ҳақида эмас, дунёни остин-устин қилиб юборган капалак ҳақидагиси.

. Энди диққат билан қулоқ солиб эшит.

Сулаймон ибн Довуд доно шоҳ экан. У, ҳайвонларнинг ҳам, қушларнинг ҳам, балиқларнинг ҳам, ҳашаротларнинг ҳам тилига тушунаркан. Ер тагида нима-лар бўлаётганини ҳам сезиб тураркан. Дарахтларнинг эрта тонгда барглари шитирлатиб гаплашишига қулоқ солар, арини ҳам, тулкини ҳам, бўрини ҳам — барини тушунаркан.

Сулаймон ибн Довуднинг хотини — Маликалар Маликаси Гўзал Балкида ҳам донишманд экан.

Сулаймон ибн Довуд қудрати зўр паҳлавон экан. Унг қўлининг жимжилогига узук тақиб юаркан. Агар у узукни бир томонга бурса, Ер остидан Жин ва Девлар чиқиб келиб, унинг хизматига тайёр бўлишаркан. Узукни икки марта бурса, Осмондан фаришталар тушиб, унинг айтганларини ҳозир қйлишаркан. Узукни уч марта бурса, Азроил қўлида гурзиси билан сув ташувчи оддий киши қиёфасида пайдо бўлар, ер юзида, ер остида ва осмонда бўлаётган воқеалардан уни воқиф қиларкан.

Шунга қарамасдан Сулаймон ибн Довуд жуда камтар, оддий киши экан. Мақтанишни билмас, бирон сабаб билан катта кетворган бўлса, кейин юраги ғаш бўлиб юаркан.

Кунлардан бир кун у дунёдаги ҳамма ҳайвонларни бир кун овқат бериб сийлайман, деб жар солдирибди. Овқат тайёр бўлганда, денгиз остидан баҳайбат Маҳлуқ чиқибди-да, ҳаммасини уч марта чайнаб ютиб юборибди.

Сулаймон ибн Довуд ҳайратдан донг қотиб қолибди.



— Сен қандай Маҳлуқ бўласан?—деб сўрабди бир оздан кейин у.

— Шаҳаншоҳим! Аркони давлатинг улуғ, умринг боқий бўлсин,—дебди денгиз Маҳлуқи, — бизлар денгиз тубида яшаймиз. Мен ўттиз мингта акаларимнинг ичида энг кичиги — кенжасиман. Дунёдаги ҳамма ҳайвонларга ош берман деганингни эшитиб, акаларим мени овқат қачон тайёр бўлишидан хабар олиб кел, деб юборишди.

Сулаймон ибн Довуд баттар саросимага тушиб қолибди ва:

— Эй Маҳлуқ! Ҳамма ҳайвонларга етади деб тайёрлаган овқатимни сенинг битта ўзинг еб қўйдинг,—дебди.

— Шаҳаншоҳим, аркони давлатинг улуғ, умринг боқий бўлсин,—дебди денгиз Маҳлуқи,—наҳотки сен шу овқатинг би-

лан дунёдаги барча ҳайвонларни тўйғизаман деб ўйласанг? Мен келган жойда бу нарсаларинг ҳар биттамызга пешинлик билан кечқурунги овқат ўртасида ейдиган овқатимизга урвоқ ҳам бўлмайди.

Сулаймон ибн Довуд изза бўлиб бошини эгибди.

— Мен ҳақиқатда ҳайвонларни яхши кўрганимдан эмас, балки бутун дунёга қанчалик қудратли ва бадавлат шоҳ эканлигимни кўрсатиш учун шундай қилувдим...

Азиз ўқувчим, Сулаймон ибн Довуд ҳақиқатда ҳам доно шоҳ экан. Шу воқеадан кейин мақтаниш бемаъни нарса эканлигини ҳеч қачон эсидан чиқазмабди. Ҳақиқий эртак ана энди бошланади.

Сулаймон ибн Довуднинг хотинлари жуда кўп экан. Гўзал Балкидани ҳисобламаганда, улар тўққиз юз тўқсон тўққизта экан. Улар хушманзара боғнинг ўртасига қурилган ҳашаматли олтин саройда яшар эканлар. Сулаймон ибн Довудга тўққиз юз тўқсон тўққизта хотиннинг кераги ҳам йўғийди-ю, бироқ ўша даврда кўп хотин олиш одат экан. Подшоҳлар эса подшоҳликларини кўрсатиш учун ҳам кўп уйланишаркан.

Сулаймон ибн Довуднинг хотинлари ичида чиройлилари ҳам, хунуклари ҳам бор экан. Хунуклари доимо чиройлилари билан жанжаллашар, жанжаллашавериб чиройлиларининг юзини ҳам ажин босиб кетаркан. Ҳаммалари бир бўлишиб Сулаймон ибн Довудга ёпишишаркан. Фақат гўзал Балкидагина уни жони-дилдан яхши кўрар ва ҳеч қачон уришмас экан. Жанжал-суронлардан ўзини чеккага тортиб, вақтини олтин саройдаги хонасида ёки боғни айланиб ўтказаркан. Имконини топса, Сулаймон ибн Довуднинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларкан.

Сулаймон ибн Довуд агар хоҳласа жимжилоғида-



ги узугини бураб, Жин ва Девларни чақириб, тўққиз юз тўқсон тўққизта хотинининг ҳаммасини оқ эшакларгами, този итларгами, ёки анор доначаларигами айлантириб қўйиши мумкин экан-у, лекин у яна мақтанчоқлик қилиб уялиб қолишдан чўчиркан. Шунинг учун инжиқ хотинлари жанжални авжга чиқариб, юмдалашиб кетганда дунёга келганига минг-минг пушаймон қилиб боғдаги хилватроқ жойга бориб оларкан. Шундагина бир оз вақтга ташвишдан қутулгандай бўларкан.

Бир пайт унинг тўққиз юз тўқсон тўққизта хотини



саройда уч ҳафтагача бетиним жанжал қилишибди. Сулаймон ибн Довуд одатича улардан қочиб, ўзининг холи жойига йўл олибди. Йўлда, апельсин дарахтлари орасида Гўзал Балкидани учратиб қолибди.

— Эй, хўжам, кўзимнинг нури,— дебди Маликалар Маликаси,— қўлингдаги узугингни ишга солиб, мисрлик, месопотамиялик, хитойлик ва форс маликаларига куч-қудратингни бир кўрсатиб қўй!

Сулаймон ибн Довуд бошини сарак-сарак қилиб жавоб берибди:

— Э, Маликам, жонгинам! Денгиз остидан чиқиб дунёдаги ҳамма ҳайвонлар олдида мақтанчоқлик қилганим учун мени изза қилган Маҳлуқ эсингдами? Энди

келиб-келиб шу форс, ҳабашистонлик, хитойлик, мисрлик маликаларнинг жанжаллари жонимга текканн учун уларга куч-қудратимни кўрсатиб мақтансам, илгаригидан баттарроқ уялиб қолишим мумкин.

— Эй, хўжам, қалбим хазинаси, энди нима қилмоқчисан?— деб сўрабди Гўзал Балкида.

— О, Маликам, жоним роҳати, тақдирга тан беришга мажбурман. Тўққиз юз тўқсон тўққизта малика ўзаро жанжаллашавериб жонимни қийнаса қандоқ қилай,— деб жавоб берибди Сулаймон ибн Довуд.

Шоҳ нилуфар гул, япон гули, атир гуллар ва бошқа анвойи хил гул-чечаклар оралаб юриб, ўзининг шарафига аталган Сулаймон ибн Довуднинг Чинори деган Чинор тагига келиб ўтирибди. Балкида ҳам севимли ёри Сулаймон ибн Довуддан орқада қолмай, одам бўйи баланд ўсган гулсафсар, узун бамбуклар, қизил нилуфар гуллар оралаб келиб яқин жойга яширишибди.

Худди шу пайт дарахт шохлари ёнидан бир жуфт капалак учиб ўтибди. Улар бир-бири билан тортишиб, жанжаллашиб бораркан.

Сулаймон ибн Довуд бирининг иккинчисига қараб гапираётганини эшитиб қолибди.

— Мен билан бундай қўпол муомила қилишга қандай ботиндинг? Эсингда бўлсин, агар бир карра ер депсинсам, чақмоқ чақиб, момоқалдиروқ гумбирлайди ва Сулаймон ибн Довуднинг саройи билан бутун боғи жаҳаннамга кетади.

Сулаймон ибн Довуд буни эшитиб, тўққиз юз тўқсон тўққизта жанжалкаш хотинини ҳам унутиб хоҳолаб кулиб юборибди. У Капалакнинг манманлигидан шундай қаҳқаҳлаб кулибдики, ҳатто, чинор дарахти ҳам эгилиб-букила бошлабди. Сулаймон ибн Довуд қўлини чўзиб, капалакни олдига чақирибди.



— Қани, бу ёққа кел-чи, ботир!

Капалакнинг қўрққанидан юраги орқасига тортиб кетибди. Лекин начора. У, Сулаймон ибн Довуднинг олдига учиб келиб, қанотларини пирпиратиб, унинг бармоғига қўнишга мажбур бўлибди. Сулаймон ибн Довуд унинг қулоғига аста шивирлабди:

— Оббо шоввоз-эй, минг ер депсинганинг билан ўтти ҳам қимирлатишга кучинг етмаслигини ўзинг биласан-ку. Уялмай-нетмай хотинингга ёлғон гапиришингни қара-я! Ахир бу хотининг бўлса керак-а?

Капалак бошини кўтариб, Сулаймон ибн Довуднинг худди аямажиз кечасидаги юлдузлар сингари ялтираб нур ёғилиб турган кўзларига боқибди. Қанотларини пастга тушириб, бошини эгиб, бор жасоратини бир жойга тўплаб:

— Ҳақиқатда у менинг хотиним. Хотинларнинг қанақалиги ўзингга равшан-ку,— дебди

Сулаймон ибн Довуд мийиғида кулиб:

— Ҳа, дўстим, бу менга ҳам равшан,— деб жавоб берибди.

— Уларга қаттиққўл бўлмасанг бўлмайди,— дебди Капалак,— хотиним эрталабдан бери минғирлай-вериб қулоқ-миямни еди. Шунинг учун минғир-минғиридан қутулармиканман деб, уни қўрқитиб қўювдим.

— Қим биладн дейсан, эҳтимол шундай қилсанг гапга кирадиган бўлар. Хотинингни ёнига борақол, унга нима дейишингни эшитмоқчиман.

Қапалак баргинг тагига кириб олиб, қўрқувдан дағ-дағ титраётган хотинининг олдига учиб борибди.

— Нима, гапларингни эшитибдимми у? Сулаймон ибн Довуд нима деганингни эшитибдимми?!— деб ҳовлиқиб сўрабди у.

— Эшитибди,— деб жавоб берибди Капалак,— ўзим ҳам эшитгани девдим-да.

— Хўш, нима деди? Тезроқ айтақолсанг-чи, нима деди?

— Хўш,— дебди чўзиб Капалак, виқор билан қанотларини ёйиб,— гап ўртамизда қолсин. Сарой ҳам қимматга тушган, иннайкейин апельсинлар ҳам айни пишиб етилиб турибди. Хуллас, шоҳ мендан ер депсинма деб сўради, мен ҳам кўндим.

— Наҳотки шу гапларинг рост бўлса,— деб ажабланибди Капалакнинг хотини ва дами ичига тушиб кетибди.

Сулаймон ибн Довуд бўлса Капалакнинг айёрлигидан ичаги узилгудай қотиб-қотиб кулибди.

Гўзал Балкида дарахт орқасида, қип-қизил бўлиб очилган нилуфар гуллар орасида туриб, ҳамма гапга қулоқ соларкан. «Агар мен ҳақиқатда ҳам доно бўлсам, хўжамни жонига теккан жанжалкаш хотинларидан қутқараман», деб дилидан ўтказибди у. Қўлнинг узатиб, Капалакнинг хотинига:

— Бу ёққа кел, азизим, сенга бир гапим бор!— деб аста шивирлабди.

Қапалак унинг овозини эшитиб, қўрқиб кетибди. Лекин начора. Ноилож учиб келиб, Балкиданинг оппоқ, момик қўлларига қўнибди.



Балкида огзини ушинг қулоғига тутиб мулойимлик билан:

— Азизим, эринг айтган гапларга чиндан ишониб ўтирибсанми? Сени лақиллатмоқчи у,— дебди.

Капалак бошини кўтарганда, нигоҳи Балкиданинг ойдин кечада сокин жимирлаб турган кўл сингари бегубор кўзларига тушибди. У қанотларини пастга тушириб, бор журъатини бир жойга тўплаб:

— Эй, Гўзал Маликам. Эрлар қанақа бўлишини ўзинг биласан-ку! — дебди.

Гўзал ва доно Малика Балкида кулгисини яширмоқчи бўлиб қўллари билан лабини пана қилибди.

— Ҳа, сингилжон, эркакларнинг қанақалигини биламан.

— Уларнинг арзимаган нарсага ҳам жаҳллари чиқаверади,—дебди Капалак қанотларини пириллатиб,— улар кўп вайсашмасин деб, кўнгилларини кўтаришимиз ҳам керак, Маликам. Улар ҳеч қачон гапираётган гапларини ўйлаб кўришмайди. Агар эрим оёғимни ерга уриб дунёни остин-устун қилиб юбораман, деб мени ишонтирмоқчи бўлса, гапираверсин. Бугун гапирган гапи барибир, эртага эсдан чиқиб кетади.

— Гапларинг рост, синглим,—дебди Балкида,—

агар у яна мақтанадиган бўлса, тилидан илинтир. Дунёни остин-устун қилиб юбор-чи, бир кўрай, де. Кўрасан, ўшанда ўзи уялиб қолади.

Капалак учиб кетибди, орадан беш минут ўтар-ўтмас эр-хотин ғижиллашиб қолибди. Уларнинг жанжалли аввалгидан ҳам авжига чиқибди.

— Эсингдан чиқмасин,— дебди Капалак хотинига,— агар хоҳласам, оёғимни ерга уриб дунёни остин-устун қилиб юборишим мумкин.

— Гапингга сира ҳам ишонмайман,— дебди хотини,— қўлингдан келмайди бу иш. Қани, оёғингни ерга уриб кўр-чи, уриб кўр!

— Мен Сулаймон ибн Довудга оёғимни ерга урмайман деб сўз берганман. Сўзимдан қайтмайман.

— Минг ер депсинганинг билан дунёни остин-устун қилолмайсан. Битта майса ҳам ўрнидан қўзғалмайди. Нега даминг ичингга тушиб кетди? Оёғингни ерга уриб кўрмайсанми? Қўрқасан-да,а?

Сулаймон ибн Довуд Чинор тагида ўтириб уларнинг можаросига қулоқ солиб кулаётган экан. У дунёдаги ҳамма нарсани — маликаларни ҳам, денгиз остидан сузиб чиққан Маҳлуқни ҳам, мақтанчоқлик қилиб изза бўлганини ҳам унутгандай чехраси шод экан.

Балкида ҳам унинг вақти чоғлигини кўриб ич-ичидан севинибди.

Капалак диққати ошганича яна Чинор тагига учиб тушибди ва Сулаймон ибн Довудга:

— Хотиним дунёни остин-устун қилиб юборганингни кўраман; деб гапимга ишонмаяпти. Менинг қўлимдан нима келарди. Ўзинг раҳм қил, Сулаймон ибн Довуд. Хотиним энди битта ҳам гапимга ишонмайди. Ўла-ўлгунимча мени масхара қилади,— дебди.

— Бу ёғидан азизим, хотиринг жам бўлсин,— дебди Сулаймон ибн Довуд,— ҳозир чорасини топамиз.



У, ўзининг қудратини кўз-кўз қилиш учун эмас, балки Капалакка ёрдам кўрсатиш ниятида жимжилоғидаги олтин узугини бир марта айлантирибди. Кўз очиб юмгунча ер остидан тўртта баҳайбат Жини чиқиб, унинг хизматига тайёр бўлибди.

— Қулларим, бармоғимда ўтирган зот (у мақтанчоқ Капалак экан) олдинги чап оёғи билан ерни тепса чақмоқ чақсин, момақалдироқ гумбурласин, сарой билан боғ кўздан ғойиб бўлсин. Иккинчи марта оёғини ерга ургаида ҳаммасини авайлаб ўз жойига келтириб қўйинглар,— деб фармон берибди Сулаймон ибн Довуд уларга.

— Энди азизим, хотинингни олдига бор, дунёни остин-устун қилиб, кучингни кўрсатиб қўй унга,— дебди Капалакка қараб.

Капалак хотинининг олдига қараб учиб кетибди. Хотини бўлса ҳалигача «Нега оёғингни ерга урмайсан? Дунёни остин-устун қилиб юбормайсанми? Қани, уриб кўр, уриб кўр!» деб вайсаркан.

Балкида сарой атрофидаги Четан девор орқасида тўртта Жин турганини кўриб ўзича:

— Ниҳоят, Сулаймон ибн Довуд Капалакка яхши-

лик қиламан деб, ўзининг ҳам бошига битган бир балодан қутуладиган бўлди. Энди жанжалкаш малликалар унинг итоатига бўйсунишса ажаб эмас,—дебди.

Капалак олдинги чап оёғини аста кўтариб, зарб билан ерга урибди. Шу ондаёқ Жинлар сарой билан боғни етти қават осмонга кўтариб кетишибди. Чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлаб кетибди. Осмонни тим қора булут қоплабди. Капалакнинг хотини эсхушини йўқотиб, қоронғида:

— Гуноҳ менда, тавба қилдим. Нима иш қилиб қўйдим. Азизим, мени кечир. Энди уришмайман. Сарой билан боғни тездан ўз жойига қайтар. Энди ҳеч қачон гапингни иккита қилмайман. Тавба қилдим! — деб фарёд қиларкан.

Капалакнинг ўзи ҳам хотинидан баттар қўрқиб кетган экан. Сулаймон ибн Довуд бўлса ҳали ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмай хахоларкан. Орадан анча вақт ўтгандан кейингина:

— Оёғинг билан ерни теп, азизим. Эй улуг сеҳргар, саройимни қайтариб бер,— дейиш эсига келибди.

— Саройини қайтариб бер унга! — деб бақарибди Капалакнинг хотини зимистон ичидан.— Иккинчи марта бунақа муъжиза билан шуғуллана кўрма!

— Майли, сен айтганингдай қиламан,— дебди Капалак иложи борича ўзини ботир кўрсатишга ўриниб,— жаҳлимни чиқарсанг, кўрдингми, нималар қила олишимни? Дунёни остин-устун қилиб юбораман. Сарой қайта жойида турадими-йўқми бу билан меннинг ишим йўқ. Сенга ва Сулаймон ибн Довудга ҳурматим юзасидан ҳамма нарсани асли жойига келтириб қўйишга розиман.

У, олдинги чап оёғини иккинчи марта кўтариб ерни тешибди. Уша ондаёқ Жинлар боғ ва саройни авайлаб

илгариги жойига келтириб қўйишибди. Ҳеч нарса ўзгармагандай экан. Апельсин дарахтининг мон рашбарглари қуёш нурида порлар, фонтан сувлари Миср нилуфар гуллари устига маржондай томар, сайроқи қушлар базми авжида экан. Капалакнинг хотини Чинор тагида ёнбошлаб ётганича энтикар, қанотларини пирпиратиб ҳадеб:

— Кечир мени! Энди ҳеч қачон уришмайман,— деркан.

Сулаймон ибн Довуд кулаверганидан зўрға гапираркан. Уни ҳиқичоқ тутиб қолибди. Зўрға кулгисини босиб, бармоғини Капалакка узатиб:

— Мабодо шунча хурсандчиликни кўтаролмай бандаликни бажо келтирсам, саройимни қайтариб берганинг менга не даркор? — дебди.

Бирдан шовқин-сурон эшитилибди. Тўққиз юз тўқсон тўққизта маликанинг бари ташқарига отилиб қийчув қилишиб, ёш болаларини чақира бошлабдилар. Юқоридан пастга қараб тушган мармар пиллапояларнинг ҳар бирида юзтадан Малика келаркан.

Доно Балкида улугворлик билан уларга пешвоз чиқибди-да:

— Нимадан бунчалик қўрқасизлар, маликалар? — деб сўрабди.

Ҳар бир мармар пиллапояда юзтадан турган маликалар барабарига:

— Нимадан қўрққанимизни ўзинг биларсан, ахир? Нимадан бўларди?.. Ҳаммамиз олтин саройда тинч, осойишта яшаб турсак, бирдан саройимиз қаёққадир кўтарилиб кетди. Атрофимизни зулмат қоплаб олиб, момақалдиروқ ваҳимали гумбурлади. Рўпарамизда Жинлар, Алвастилар липиллаб у ёқ-бу ёққа ўтганда қўрқмай бўладими! Эсимизни танибмизки, шу вақтгача биронтамыз ҳам бунчалик қўрқиб, даҳ-



шатга тушмаганмиз. Қўрқиб кетганимизнинг сабаби шундан Маликалар Маликаси,— деб қичқиршибди.

Шунда Сулаймон ибн Довуднинг суюкли хотини гўзал ва доно Балкида уларга:

— Сизлар айтганча даҳшат содир бўлгани йўқ, маликалар. Шунчаки Капалак уришқоқ хотини устидан шикоят қилиб келибди. Сулаймон ибн Довуд унинг арзига қулоқ солиб, унинг хотинини беозор, хушмуомилали қилиб қўймоқчи бўлди, холос. Чунки итоаткорлик ва ширин сўзлик Капалак хотинлар ўртасида фазилат ҳисобланади,— дебди.

Миср Маликаси, фиръавн қизи ўрнидан қўзғалиб:

— Арзимаган бир кўнғизни деб саройимизни ердан узиб осмону фалакка учуриб кетиш ақлга сиғмайдиган иш. Бўлмағур гап. Назаримда Сулаймон ибн Довуд бандаликни бажо келтирган-у, дунё бу қайғуга чиолмай, фарёд қилиб тебранган. Осмонда момақалдироқ гумбурлаб, ҳамма ёқ зимистон кечага айланган,— дебди.

Балкида бу қўпол Маликани қўли билан имлаб олди га чақирибди-да, бошқаларига ҳам эшиттириб:

— Менинг гапимга ишонмасаларингиз, бориб ўз кўзингиз билан кўришингиз мумкин,— дебди.

Тўққиз юз тўқсон тўққизта Малика узун-қисқа бўлишиб мрамор пиллапоялардан пастга тушиб, Чинор томон юришибди. Дарҳақиқат, Чинор тагида шоҳ Сулаймон ибн Довуд ҳушчақчақ, хахолаб кулиб ўтирган экан. Бир қўлига Капалакни, иккинчи қўлига унинг хотинини кўндирганича тинимсиз кулар, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ташланиб тебранаркан. Маликалар унинг гапини ҳам эшитишибди:

— У қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол, келиним. Сен ҳар қачон эрингга итоаткор бўлишинг, унинг кўнглини олишинг керак. Агар шун-

дай қилмасанг, у яна оёғи билан ерни тепиб, сеҳр ўқиб дунёни остин-устун қилиб юбориши мумкин. Хоҳлаган пайтида ҳатто, Сулаймон ибн Довуднинг ҳам саройини ўғирлаб кетишга кучи етади... Энди боришлар, уриш-жанжални бас қилишлар.

Сулаймон ибн Довуд уларнинг қанотчаларидан ўпиб, қўйиб юборибди.

Буни кўриб, эшитиб турган маликаларининг ҳаммаси (гўзал ва доно Балкидадан бошқалари, албатта) бошини ҳам қилиб хаёлга чўмишибди. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига-ўзи: «Агар Капалак хотинидан шикоят қилиб келгандаки Сулаймон ибн Довуд шундай қилса, минғир-минғир гапларимиз, бақир-чақир-қларимиз билан ҳукмдоримизнинг жонига тегиб қаҳрига дучор бўлсак, ҳолимиз нима кечаркин?..» — дейишибди.

Маликалар лабларини тишлашиб бошларига шаффоф пешона боғларини ташлаб, аста-секин саройга кириб кетишибди.

Улардан орқада қолган гўзал ва ақлли Балкида пушти ранг нилуфар гуллар орасидан чиқиб, Чинор тагига келибди-да, қўлларини Сулаймон ибн Довуднинг кифтига қўйиб:

— Ҳукмдорим, дилбарим, азиз ёрим! Бугунги ишнингиз мисрлик, ҳабашистонлик, форс, ҳиндистонлик, хитойлик маликаларининг ҳаммасига жуда яхши сабоқ бўлди. Буни умрбод эсан чиқазмайдиган бўлишди, — дебди.

Сулаймон ибн Довуд ҳамон қуёшнинг заррин нурларида яйраб учишиб юрган капалакларни кузатаркан, бундай дебди:

— Дилдорим, азиз ёрим, мен бугун нима иш қилганимни билмайман. Боққа кирган заҳотимоқ Капалак билан ҳазил-мутойиба қилганим эсимда, холос.

Меҳрибон ва хушфеъл Балкида унга:

— Ҳукмдорим, азиз ёрим. Мен Чинор орқасида туриб ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Қапалакнинг хотинига эринини дунёни остин-устун қилишга кўндириб кўр, деб айтдим. Чунки мен, ҳукмдорим, ҳазил билан битта муъжиза кўрсатиб, маликаларнинг танобини тортиб қўяди, деб ишонувдим,— деб айтиб берибди.

Балкида бошқа маликаларнинг қандай қўрққанликларини, нима деганлари, нима кўрганларини ҳам гапириб берибди.

Сулаймон ибн Довуд ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб:


— Дилдорим, азиз ёрим, агар мен ғазабланибми ё мағрурлик қилибми маликаларга муъжиза кўрсатсам, дунёдаги барча ҳайвонларга ош бераман деб изза бўлганимдек, бу гал ҳам уялиб қолишим мумкин эди. Фақат сенинг донолигинг туфайлигина Капалакка ёрдам бермоқчи бўлиб, бир чеккаси ҳазил билан сеҳр ўқидим. Кўриб турганингдек, мана, шу баҳона билан хотинларнинг зерикарли минғир-минғирларидан ҳам қутулиб олдим. Айт-чи, жонгинам, бундай заковатга қандай эришгансан? — деб сўрабди.

Маликалар Маликаси, гўзал ва хушфеъл Балкида худди Капалак сингари бошини бир ёнга сал қийшайтириб Сулаймон ибн Довуднинг кўзларига мулоқим боқиб:

— Биринчидан, ҳукмдорим, Сизни жонимдан ҳам қаттиқ севганимдан; иккинчидан, минғир-минғир, уришқоқ хотинларнинг қандайлигини билганимдан,— дебди.

Шоҳ Сулаймон ибн Довуд билан Малика Балкида саройга қайтишибди ва умрларининг охиригача роҳат-фарогатда яшашибди.

РИККИ - ТИККИ - ТАВИ



Бу Сигаули қишлоғидаги катта хонадоннинг ван-нахонасида Рикки-Тикки-Тавининг бир ўзи илон билан олиб борган жанг ҳақидаги ҳикоядир.

Бу жангда унга чевар қуш Дарзи ёрдам қилган бўлсаям, ҳамиша девор ковагида яшириниб юрувчи, хонанинг ўртасига чиқишга юраги дов бермайдиган сув каламуши Чучундра унга маслаҳат бериб турган бўлса-да, курашнинг оғирлиги ўзига тушган экан.

Рикки-Тикки-Тави мангуста экан. Уннинг думи ҳам, мўйнаси ҳам худди мушук боласиникига ўхшаган, боши ва одат-қилиқлари эса латчанинг ўзгинаси экан. Кўзлари ҳам, доимо ҳаводан ҳид олиб турувчи бурнининг учи ҳам қизғиш экан. Рикки қашингиси келса олдинги оёғини ҳам, орқа оёқларини ҳам бемалол ишга сола оларкан. Агар хоҳласа думини узун, юм-юма-лоқ шчеткага ўхшатиб ҳурпайтириб олишни ҳам биларкан. Баланд ўсган ўтлар ичида елдай учиб бораётиб, «Рикки-Тикки-Тикки-чик!» — деб қичқираркан.

Рикки ота-онаси билан бирга торгина сойликда яшаркан. Лекин бир куни тошқин бўлиб, сув уни йўл четидаги зовурга суриб кетибди. У чўкиб кетмаслик учун кучининг бориचा шапур-шупур қилиб сузаверибди. Ниҳоят, сувда оқиб кетаётган бир боғ ўт устига амаллаб чиқиб олибди-да, ўзидан кетиб қолгунча ўша ерда ўтирибди. Бир маҳал кўзини очиб қараса, куннинг тиғи тушиб турган боғда, йўлнинг ўртасида лойга беланиб ётганмиш. Шу атрофда юрган боланинг гапи аранг қулоғига чалинибди:

— Ўлик мангуста! Уни кўмиш керак.

— Йўқ, — дебди унга онаси, — уни исинтириш керак. Эҳтимол тирикдир.

Улар Риккини уйга олиб киришибди. Қандайдир каттакон Одам уни бармоқлари орасига олиб кўрибди-да, бу ўлган эмас, фақат оғзига сув кириб кетган, дебди. Риккини момиқ пахтага ўраб, оловга яқин жойда исинтира бошлашибди. У кўзларини очиб, чучкириб юборибди.

— Энди, — дебди Катта Одам, — уни ўз ҳолига қўйинглар, кўрайлик-чи, нима қиларкин.

Дунёда мангустани қўрқитиб олишдан кўра қийинроқ иш бўлмаса керак, чунки у бурнидан тортиб думигача ҳар нарсага қизиқувчан бўлади. Ҳеч нарсадан

тап тортмайди. «Ахтар ва Ковлаштир» — ҳамма мангусталарнинг одати ана шундай экан. Рикки-Тикки бўлса асл мангусталардан экан. У разм солиб қараса, момикни еб бўлмас экан. Кейин йўргалаб столнинг атрофини айланиб чиқибди, орқа оёқларини букиб ўтириб, яланиб, у ёқ-бу ёгини тартибга солибди-да, сакраб боланинг елкасига миниб олибди.

— Қўрқма, Тедди,— дебди Катта Одам,— у сен билан дўст бўлмоқчи.

— Вой-вой, бўйинимни қитиқлаяпти! — деб қичқириб юборибди Тедди.

Рикки-Тикки боланинг гашини келтириб, ёқасининг орасига тумшугини суқиб кўрибди, қулоқларини ҳидлабди. Кейин полга тушиб, бурнини арта бошлабди.

— Қизиқ-ку,— дебди Теддининг онаси,— уни ёввойи жонивор деб бекор айтишаркан-да. Қўлга ўргатса бўларкан-ку. Менимча, унга озор бермаганлигимиз учун шундай қилаётгандир.

— Мангусталарнинг ҳаммаси шунақа,— дебди унинг эри.— Агар Тедди унинг думидан ушлаб кўтармаса, қафасга солмаса, биз билан бирга яшайверади. Ҳеч қаёққа кетиб қолмайди... Унга егани бирон нарса бериш керак.

Риккига бир бўлак хом гўштан беришибди. Гўшт жуда иштаҳасини очиб юборибди. Нонуштани тугатибди-ю, айвонга югурибди. Мўйнасини яхшилаб қуритиб олиш учун уни ҳурпайтириб, қуёшда тоблана бошлабди. Шу заҳотиёқ ўзини яхши ҳис этибди.

«Бу уйда ҳали мен тезроқ ахтариб ковлаштирадиган нарсалар кам эмас,— деб кўнглидан ўтказибди у,— отам билан онам ҳам умрларининг охиригача шунча нарсани ахтариб ковлаштиришмагандир. Мен бу ерда қолиб, ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўриб чиқаман».



Ўша кунн Рикки бутун уй ичини ковлаштириб чиқибди. Тоғарадаги сувда чўкиб кетишига салқолибди. Кейин тумшугини сиёҳдонга ботириб олибди. Зум ўтмасдан Катта Одам чекиб ўтирган сигарага бурнини теккизиб куйдириб олибди. Чунки у перо билан қоғозга қандай ёзилишини кўрмоқчи бўлиб, Катта Одамнинг тиззасига чиқиб олган экан. Қоронғи тушганда керосинли лампанинг қандай ёқилишини кўрмоқчи бўлиб Теддининг ётоқхонасига югурибди.

Тедди ўринга кириб ётганида эса Рикки у билан ёнма-ён ётиб олибди. Аммо у тиниб-тинчимас шерик чиқиб қолибди. Чунки «тиқ» этган товуш чиқса, сакраб ўрнидан турар, қулоғини динг қилиб нима воқеа бўлганлигини билиб келиш учун чопаркан. Теддининг даси билан ойиси ухлашдан олдин ўғилларидан хабар олгани ичкари кириб қарашса, Рикки-Тикки ҳали уйғоқ эмиш. У Теддининг ёстиғида ўтирган экан.

— Бу нимаси,— дебди Теддининг ойиси,— болани тишлаб олса нима бўлади?..

— Қўрқма,— дебди Теддининг отаси,— бу жонивор ҳар қандай итдан ҳам яхши соқчилик қилади. Мабодо, бу ерга илон кириб қолса...

Теддининг онаси бунн хаёлига ҳам келтирмаган экан.

Рикки нонушта вақтида Теддининг елкасига миниб айвонга чиқибди. Уни банан ва пиширилган тухум билан меҳмон қилишибди. Нонушта пайтида у ҳамманинг тиззасида бирма-бир ўтириб чиқибди. Чунки ҳар қандай ақлли мангуста ҳам ҳамиша уй мангустаси бўлишни умид қиларкан. Болалигидан одамлар уйда яшашни, хонама-хона югуриб юришни орзу қиларкан.

Нонуштадан кейин Рикки-Тикки бирон бир қизиқроқ нарсa топиш мақсадида боққа югуриб чиқибди. Боғ жуда кенг экан, фақат ярмигина ўт-ўланлардан

тозаланган экан. Боғда шохлаб кетган гуллар, апельсин, лимон дарахтлари кўкка етай деб ўсган, атрофни баланд ва қалин ўт босиб кетган экан.

Рикки-Тикки:

— Оҳо, ов қилишга жуда боп жой экан! — дебди.

Ов қилишни ўйлаши биланоқ думи юм-юмалоқ чўткага ўхшаб ҳурпайиб кетибди. У ерни ҳидлаб, бу ерни ҳидлаб, тез орада атрофни айланиб чиқибди. Бирдан тоғолча дарахтида ўтирган қандайдир қушларнинг йиғлоқи овозини эшитиб қолибди. Чевар қуш Дарзи билан унинг хотини тоғолча дарахтига ин қўйишган экан. Улар чиройли инларини икки дона баргнинг ингичка толали чивикчаларидан тўқиб, ичини юмшоқ пар ва пахта билан тўлдиришган экан. Ин у ёқдан-бу ёққа тебранар, қушлар бўлса унинг четига ўтириб олиб, нола қилишаётган экан.

— Нима бўлди ўзи? — деб сўрабди Рикки-Тикки.

— Шўримиз қуриди, — деб жавоб берибди Дарзи, — кеча болаларимиздан бири индан йиқилиб тушувди, Наг уни ютиб юборди.

— Ҳм... Ҳолингиз хароб экан, — дебди Рикки-Тикки, — мен яқиндан бери бу ердаман... Бошқа жойдан келганман... Наг деганингиз ким ўзи?

Дарзи ва унинг хотини жавоб бермай, лип этиб инларига кириб кетишибди. Чунки шу пайт қалин ўтлар ичидан, буталар орасидан вишиллаган овоз эшитилиб қолибди. Бу ваҳимали, совуқ товушдан Рикки-Тикки икки фут орқага сакраб тушибди. Кейин ўтлар ичидан баҳайбат, қоп-қора кўзойнакли заҳарли илон — Нагнинг боши тобора катталашиб кўрина бошлабди. Унинг бошидан думигача узунлиги нақ беш фут келаркан.


Наг гавдасининг учдан бирича юқорига кўтарилганч, тўхтаб шамол турганда қимирлайдиган қоқигулга

ўхшаб тебрана бошлабди ва ўзининг ҳеч қачон туси ўзгармайдиган заҳарли илон кўзларини Рикки-Тиккига қадабди.

— Наг ким бўлади деб сўраяпсанми? Мана, менга қараб титра! Чунки мен Наг бўламан...

У шундай дебди-ю, капюшонини баттарроқ шиширибди. Рикки-Тикки шу чоқ унинг капюшонигаги сим илмоқнинг тугунчасига ўхшаган кўзойнаксимон белгисини кўриб қолибди.

Риккини бир зум ваҳима босибди. Бир минутдан кейин мангусталар ҳеч кимдан ҳайиқишмайди. Рикки-Тикки тирик илонни умрида биринчи марта кўриши бўлса-да, (онаси унга ўлик илон бериб боқаркан) мангусталар бу дунёга илоилар билан курашиб, уларни енгиб, ейиш учунгина келганини яхши биларкан. Бу Нагга ҳам маълум экан. Шунинг учун унинг бир парча яхдай юрагида қўрқув аломати ҳам бор экан.



— Жуда соз!— дебди Рикки-Тикки. Унинг думи яна ҳурпая бошлабди.— Орқамда нақшим бўлгани учун инидан йиқилиб тушган қушчаларни ютавераман, деб ўйлайсанми?

Наг ҳозир бошқа нарса ҳақида ўйлар, Риккининг орқасидаги ўтлар қимирлаб қолмасмикин, деб диққат билан кузатиб тураркан. Агар боғда мангусталар пайдо бўлса, ўзининг ҳам, бутун илонлар авлодининг ҳам кунни битишини яхши биларкан у. Шунинг учун ҳам у душманини гафлатда қолдиришнинг пайдан бўлиши керак экан.

Шунинг учун бошини бир ёнга эгиб туриб тилёғла-малик қилибди:

— Ке, келишволайлик. Сен тухум ейсан-а, шундай эмасми? Хўш, мен тухумдан чиққан қушни есам нима бўпти?

— Орқангга қара, орқангга!— деб сайраб юборибди Дарзи.

Рикки-Тикки ҳозир Наг билан кўз уриштириб туришнинг пайти эмаслигини англабди. У кучининг бори-ча юқорига сакраган экан, пастда Нагнинг ёвуз хотини Нагайнанинг вишиллаб турган бошини кўриб қолибди. Нагайна Наг Риккини гапга чалгитиб турганда орқадан келиб ҳалок этмоқчи экан. Энди бўлса уни қўлидан чиқариб юборгани учун вишилларкан. Рикки гуп этиб унинг устига йиқилибди. Агар Рикки тажрибалироқ бўлганда-ку, ҳозир илоннинг орқасидан ғарчча узадиган пайтлигини биларкан. Бир тишласа Нагайна тамом бўларкан. Аммо Рикки илоннинг заҳарли нишидан кўрқибди. Ҳар ҳолда жон-жаҳди билан бўлмаса-да, илонни тишлабди ва шу заҳоти уни яра-ланган ва қутурган ҳолатда қолдириб, буралиб-буралиб ётган думидан ўзини четга олибди.

— Сен қилдинг, аблаҳ Дарзи,— деб Наг тоғолча



шоҳида осилиб турган илга етмоқчи бўлиб чўзилиб кўрибди.

• Аммо Дарзи иинини илонларнинг бўйи етмаслиги учун жўрттага баландга қурган экан. Ин шоҳда лиқилилаб тураркан.

Рикки-Тикки кўзлари оловдай ёниб қизариб кетаётганини ҳис қилибди. Мангусталарнинг кўзи қизаргани — уларнинг дарғазаб бўлганини билдираркан. У кичкина кенгуру сингари думини қайириб, орқа оёқларига ўтирибди-да, атрофга назар ташлаб, ғазабланиб гўлдирабди. Лекин у билан уришадиганлар қочиб қолмишган экан: Наг билан Нагайна аллақачон ўтлар орасида гоёиб бўлишганакан. Илонлар хато қилганларида чурқ этмайдилар, ҳатто, қандай қарорга келганини ҳам сездиринмайди. Рикки-Тикки уларнинг изига тушмабди, чунки бир ўзи иккала душманини бир ёқлик қила олишга кўзи етмас экан. У уй томонга

лўкиллаб чопиб кетибди. Қум сепилган сўқмоқда дам олиб, чуқур хаёлга ботибди.

Агар турли ҳайвонлар ҳақида ёзилган эски китоблар қўлинигга тушиб қолса, унда илон чақиб олган мангуста илоннинг заҳридан даволайдиган қандайдир ўт топиб ейди, деб ёзилганини ўқишинг мумкин. Бу — уйдирма гап. Мангустанинг заҳарли илонни енга олиши кўзи ва қўлларини чаққонлик билан ишга сола биллишида экан. Жанг пайтида заҳарли илон тишлаб олса, мангуста сакрайди.

Илоннинг чақмоқчи бўлиб бошини қандай ҳаракатга келтираётганини ҳеч ким назардан қочирмасдан кузата олмас экан, мангустанинг уни вақтида сакраб босиши ҳар қандай сеҳрли ўтдан ҳам қизиқроқ.

Рикки-Тикки ҳали ўзининг ёш ва тажрибасиз эканлигини яхши биларкан. Шунинг учун ҳам боя илоннинг орқадан қилмоқчи бўлган ҳужумига чап бера олганидан хурсанд бўлибди. У ўзидан мамнуи бўлиб, Тедди богдаги йўлкадан чопиб келганда, унинг силаб-сийпашига рухсат бергудай бўлибди. Лекин худди ўша онда, Тедди келиб унинг тепасида энгашганда, тупроқда нимадир буралиб кўрингандай бўлибди ва: «Қочларинг! Мен — Ўлимман!» деган ингичка овоз эшитилибди. Бу кул ранг — заҳил илоп — Карайт экан. Унинг ниши кўзойнакли илонники сингари заҳарли, лекин кичкиналигидан ҳеч ким кўрмас, шу сабабдан одамларга кўпроқ зарар келтираркан.

Рикки-Тиккининг кўзига яна қон тўлибди. Отабоболаридан мерос бўлиб қолган лапанглаб юришини қилиб, дик-дик этиб Карайтга яқинлашаверибди. Унинг лапанглаши кулгини қистатса-да, бу жуда қулай, хоҳлаган томонга сакраб, илоннинг устига ташлана оларкан. Илон билан олишганда бу энг муҳими. Рикки учун Карайт билан жанг қилиш Наг билан оли-


шишдан кўра ҳам хавфлироқ экан. Чунки у кичкина, абжир ва чаққон, агар Рикки бошининг сал пастроғидан тишлаб узмаса, Карайт унинг ё кўзи, - ё лабини чақиб оларкан.

Бироқ Рикки ҳозирча буни билмас экан. У ҳеч нарса ҳақида ўйламас, кўзлари қип-қизариб кетган экан. Олдинга ва орқага лапанглаб, илоннинг қасрига тишини ботиришни мўлжалга ола бошлабди. Карайт чақмоқчи бўлиб унга ташланибди. Рикки ўзини ён томонга ташлаб, қочмоқчи бўлган экан, кул ранг бош унга етиб олибди, Рикки уни орқасидан улоқтириб ташлаш учун ҳавода думбалоқ ошибди. Илон ундан орқада қолмай, изма-из қувлайверибди.

Тедди уйдагиларга қичқарибди:

— Бу ёққа келинглар, бу ёққа! Мангустамиз илонни ўлдирапти!

Теддининг онаси чинқариб юборганини Рикки-Тикки ҳам эшитибди. Теддининг отаси бўлса, таёқ кўтариб югуриб чиқибди. Лекин худди шу маҳалда Карайт муваффақиятсиз сакрабди — керагидан узоқроққа сакраб юборибди. Рикки-Тикки унинг устига тушиб, тишларини бошининг сал пастроғига ботирибди-да,



ўзини четга олибди. Карайт ўша ондаёқ қимирламай қолибди. Рикки-Тикки энди уни думидан бошлаб емоқчи бўлиб турганида (мангусталарнинг одати шундай), мангусталар тўйимли овқат ея берса семириб кетиши, ориқ бўлса эпчил ва кучли бўлиши эсига тушиб қолибди. У парироққа бориб, канакунжут остида тупроқда сакрай бошлабди. Теддининг отаси эса қўлидаги таёғи билан ўлик илонни савалай кетибди.


«Уни уриб нима қиларкин?— деб ўйлабди Рикки.— Ўзим уни бир ёқлиқ қилиб қўйганман-ку».

Шу пайт Теддининг онаси келиб, Рикки-Тиккини ердан кўтариб олибди-да, бағрига босиб, ўғлимни бир ўлимдан сақладинг деб эркалай бошлабди. Тедди бўлса қўрққанидан бақрайиб қараб турган эмиш. Риккига тўс-тўполон ёқса ҳам, бу тўполон сабабининг тагига етолмабди. Теддининг оинси балки тупроқда сакрагани учун эркалаётгандир. Нима бўлсаям қий-чув ёқиб тушибди.

Овқатланишаётганда Рикки-Тикки дастурхондаги вино қуйилган стаканлар орасидан юрганида ширинликлардан тўйиб-тўйиб еса бўларкан-у, бироқ Наг билан Нагайна хаёлидан кўтарилмаган экан. Теддининг онаси уни силаб-сийпаганда хуш ёқса ҳам, Тедди елкасига ўтқазса ҳам, ора-чора кўзлари қизариб, Рикки-Тикки-Тикки-чик,— дейишдан тинмабди.

Шу куни Тедди уни ўзи билан бирга олиб ётмоқчи бўлибди. У Риккининг юзига юзини қўйиб, ёнма-ён ётгиси келаркан. Рикки одобли мангусталардан бўлгани учун уни тишламабди, тирнамабди ҳам. Лекин Тедди уйқуга кетиши билан ўрнидан тушибди-ю, уй ичида айланиб юра бошлабди.

У қоронғида туртиниб, бурчакда биқиниб ётган мушк ҳид чиқарадиган каламуш Чучундрага қоқилиб кетибди.



Чучундранинг ҳасратидан чанг чиқаркан. Хонанинг ўртасига югуриб чиқишга юраги дов бермаслиги, бунга жасорати етишмаслигидан шикоят қилиб, кечаси билан нолиб чиқаркан. Минг нолимасин, барибир, юраги дов бермаганлигича қолавераркан.

— Менга раҳм-шафқат қил, Рикки-Тикки!— деб қичқириб юборибди у йиғламоқдан бери бўлиб.

— Илон ўлдирадиганлар қаёқдаги мушук каламуши билан ади-бади айтишиб ўтирарканми?— дебди Рикки-Тикки энсаси қотиб.

— Илон ўлдирган илоннинг қўлида жон беради,— деб тағин ҳам ғамгинроқ гапирибди Чучундра.— Ким билади ҳали, Наг мени сен деб ўйлаб, янглишиб ўлдириб қўядими...

— Юрагингга қойилман-е!—дебди Рикки-Тикки.— Наг боғда, сен бир умр у ёққа чиқмайсан-ку!

— Холаваччам — каламуш Чуа айтувдики...—деб гап бошлабди Чучундра ва гапи оғзида қолибди.

— Нима деганди?



— Жим... Наг эшитиб қолмасин. У ҳамма ерда ҳозир. Холаваччам билан ўзинг боғда гаплаша қол.

— Мен уни кўрмаган бўлсам-чи. Гапир тезроқ, Чучундра. Гапирмасанг худди тишлаб оламан.

Чучундра чўққайиб ўтирганича йиғлай бошлабди.

У узоқ йиғлабди, кўз ёшлари мўйловларидан оқиб тушаверибди.

— Шундай бахти қораманки,— деб йиғлабди у,— кўрққанимдан ҳеч қачон хонанинг ўртасига чиқа олмаганман... Тссс!.. Эшитмаяпсанми, Рикки-Тикки? Қўй, ҳеч нарса айтмаганим яхшироқ.

Рикки-Тикки қулоқ солибди. Уй ичи жимжит, лекин унга худди ари ойна устида юриб кетаётгандек сезилар-сезилмас тир-р-р, тир-р-р деган овоз эшитилгандек бўлибди. Ҳақиқатда эса гишт ётқизилган ерда илон сирғаниб келаётган экан.

«Бу — ё Наг ёки Нагайна. Икковидан биттаси тарновдан ваннахонага ўтмоқчи»,— деб ўйлабди Рикки.

— Тўғри айтасан, Чучундра. Мен Чуа билан гаплашишим керак.

Рикки сездирмасдан Теддининг ювинадиган хонасига ўтган экан, у ерда ҳеч ким кўринмабди. Ундан

Теддининг онаси ювинадиган хонага ўтибди. Силлиқ қилиб шувалган деворнинг полга яқин жойидан битта гишт кўчириб олиниб, тарнов қўйилган экан. Рикки хонанинг ванна қўйилган жойига ўтиб қарамоқчи бўлганда, девор орқасида, ой нурида Наг билан Нагайна шивир-шивир гаплашаётганини эшитиб қолибди.

— Агар шу уйда одам қолмаса,— деб Нагайна эрига тушунтираётган экан,— Рикки ҳам йўқолади. Чорвоғ тагин ўзимизники бўлиб қолади. Бардам бора-вер, энг биринчи, Карайтни нобуд қилган Катта Одамни чақиш ёдингда бўлсин. Кейин менинг ёнimgа қайт, икковлашиб Рикки-Тиккини саранжом қиламиз.


— Уларни ўлдиришдан бизга фойда бўлармикин?

— Бўлмаса-чи. Албатта, фойдаси бўлади-да! Ўзинг ўйлаб кўр: уй бўм-бўшлигида бу ерда мангусталар бўлишармиди? Уйда одам яшамас экан, ўзимиз хон — кўланкамиз майдон; сен шоҳу, мен малика. Эрта-индин қовун экилган жўякда болаларимиз тухумдан чиқса, уларни хавф-хатардан асрашни ҳам ўйлагин-да!

— Бунини хаёлимга ҳам келтирмабман,— дебди Наг, — бўпти, борганим бўлсин. Лекин ўйлашимча, Рикки-Тикки билан ўчақишмайлик. Мен Катта Одамни, хотинини, иложини топсам ўғлини ҳам ўлдираман-да, секин қочаман. Уйда ҳеч ким қолмагач, бу ердан Рикки-Тиккининг ўзи жўнаб қолади.

Рикки-Тикки бу гапларни эшитиб, қаҳру ғазабидан титраб кетибди.

Тирқишдан аввал Нагнинг калласи, кейин беш футча совуқ танаси суқилибди. Рикки-Тикки қаҳри қайнаб турган бўлса-да, илоннинг савлатини кўриб қўрқиб кетибди. Наг кулча бўлиб олибди-да, бошини кўтариб, аланглай бошлабди. Рикки-Тикки унинг қоронғида ялтиллаб турган кўзларини кўриб турибди.



«Агар унй ҳозир ўлдирсам,— деб ўзича муҳокама қилибди Рикки-Тикки,— Нагайна билиб қолади. Очiq жойда жаиг қилиш менга ноқулай. Наг мени енгизиш мумкин. Нима қилсам экан?»

Наг гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга чайқалиб тураркан. Кейин Рикки-Тикки унинг ванна тўлдирилдиган хумчадан сув ичаётганини эшитибди.

— Топдим!— дебди Наг ташналигини қондириб.— Катта Одам Қарайтни ўлдириш учун югуриб чиққанида, қўлида таёғи бор эди. Ҳойнаҳой, таёғи ҳали ҳам бордир. Лекин эрталаб бу ерга ювинишга кирганда таёғи бўлмайди... Эшитяпсанми, Нагайна?.. Тонг отгунча уни шу ерда, салқингинада кутиб тураман.

Нагга ҳеч ким жавоб қилмабди. Рикки-Тикки Нагайна кетиб қолганини билибди. Наг хумчага ўралиб олиб, уйқуга кетибди. Рикки-Тикки бўлса нафасини ичига ютиб турибди. Бир соатдан кейин у эҳтиётлик билан хумча томон сурила бошлабди. Рикки Нагнинг сербар елкасига кўз қирини ташлаб, қаеридан тишлашни мўлжалга оларкан.

«Агар ўз вақтида бўйнидан ғарчча узмасам, унда мен билан олишишга кучи етади. Агар у мен билан курашса, шўринг қурийди, Рикки!»

У Нагнинг йўғон бўйнига яна бир зум тикилиб турибди: унга кучи етармикин? Думига яқин жойидан тишласа, душманини ўчакиштиради, холос.

«Бошидан, капюшонининг таккинасидан тутиш керак,— деб қарор қилибди у,— тишлагандан кейин асти қўйиб юбормаслик керак».

Рикки зарб билан олға ташланибди.

Илоннинг боши бир томонга қийшайиброқ ётган экан. Рикки-Тикки уни тишлаб, орқаси билан хумчага тиралиб, уни анчагача қимирлатмай туриши мумкин экан. Бир секунд вақт ишни ҳал қиларди. Рикки шу

Бир секунддан имконияти борица фойдаланибди. Кейин уни нимадир илиб кўтариб, гурсиллатиб ерга урибди-да, худди ит каламушни кўтариб, уриб эзгандай, уни ҳар томонга айлантириб улоқтираверибди. У тунука ёғлоғи, совун қути, чўткаларни ҳамма ёққа сочиб, металл ванна четига, полга гурс-гурс урганда ҳам кўзлари қизариб кетган Рикки бўш келмабди. Ҳалок бўлишига имони комил бўлса ҳам тишларини маҳкам сиқиб, ўлимни тик қарши олишга қарор қилибди. Бутун авлодининг номус-ори шундай қилишни талаб этаркан.

Боши гир-гир айланар, кўнгли айнир, аъзойи-бада-ни қийма-қийма қилиб ташлангандек зирқирар экан. Бехосдан унинг орқасида момақалди-роқ гумбурлагандек бўлибди. Олов пуркагандек, уни ерга йиқитибди ва бир парча чўғ терисини жизгинак қилиб куйдирибди. Катта Одам шовқин-сурондан уйғониб кетиб, ов милтиғи билан югуриб келгач, иккала стволдан бир йўла ўқ узиб, худди Нагнинг капюшони тугайдиган жойига теккизибди. Рикки-Тикки тишларини қисиб, кўзларини чирт юмганича ётаркан. Чунки у ўзини ўлган ҳисобларкан.


Илоннинг боши энди қимирламаётган экан.

Катта Одам Риккини ердан кўтариб олиб:

— Вой, бу ўша, ўзимизнинг мангуста-ку! Бу гал, Элис, у мен билан сени ўлимдан сақлаб қолди,—дебди.

Ранги оқариб кетган Теддининг ойиси ичкари кириб, Нагнинг мурдасини кўрибди. Рикки-Тикки Теддининг ётоқхонасига амаллаб етиб олибди-да, кечаси билан ҳақиқатан ҳам танаси соғ қолганми ёки илон билан уришаётганда шундай туюлганми, ўшани текшириб кўрмоқчидай қоқиниб-силжиниб чиқибди.

Тонг отарга яқин гавдаси увишиб қолибди, лекин у ўз ишидан мамнун экан.



«Энди Нагайна-ни ўлдиришим керак, бу ўнта Нагни ўлдиришдан ҳам мушкул. Нагайна айтган тухумлар-чи? Унинг болалари қачон тухумдан чиқишини ким билади? Бориб Дарзи билан маслаҳатлашиб кўраман».

Рикки-Тикки но-нуштани ҳам кутмасдан тоғолча дарахтига қараб югурибди. Дарзи индида ўтирганича овозини барала қўйиб қувноқ галаба қўшиғини куйларкан. Богдаги барча жониворлар Нагнинг ўлими-дан хабардор экан; чунки хизматкор унинг мурдасини ахлатхонага чиқариб ташлаган экан.

— Ҳей боқи-бе-гам!— деб аччиғланибди Рикки-Тикки,— ашула айтадиган пайтми ҳозир?

— Наг ўлди, Наг ўлди!— деб тинмай

куйларкан Дарзи.— Ботир Рикки-Тикки уни маҳкам тишлаб турди! Катта Одам гүмбурлайдиган таёғини келтириб Нағни иккига бўлиб юборди! Нағ ўлди, бизлар қутулдик!

— Ҳаммаси рост,— дебди Рикки-Тикки.— Аммо Нагайна қаерда?

У диққат билан атрофга кўз югуртирибди. Дарзи бўлса ашула қилиб куйларкан:

Қувурнинг ёнига келди Нагайна,
Деди: «Кел дўстим Нағ, келгил оғайни»,
Лекин, кўринг, Нағни қоровул олди,
Таёғига илиб замбилга солди.
Яша, бизнинг улуғ паҳлавон Рикки,
Яша, олов кўзли қаҳрамон Рикки.

Дарзи яна ғалаба қўшиғини бошлабди.

— Қўясанми-йўқми?.. Агар инингга ета олсам, ҳамма болаларингни улоқтириб юборардим!— деб қичқирибди Рикки-Тикки.— Ҳамма нарса ўз навбати билан бўлсин-да! Сен тепада ўтириб қўшиқ айтсанг-у, пастда мен жанг қилсам-а? Бир минут бўлса ҳам жим тура оласанми?

— Хўп бўлади, сен учун, қаҳрамон Рикки учун жим туришга тайёрман! Қулоғим сизда, Ёвуз Нағ Голиби!

— Сендан учинчи марта сўрашим, Нагайна қаерда?

— У отхона олдидаги гўнгнинг устида Нагга мотам тутиб ётибди... Ўткир тишли Риккига олқишлар бўлсин...

— Менинг ўткир тишларимни қўя тур! У тухумларини қаерга яширганини билмайсанми?

— Ҳув қовун экилган жўякнинг энг четига, девор тагига, офтоб тушиб турадиган жойга яширган... Тухумларини кўмиб қўйганига бир неча ҳафта бўлди...

— Шу пайтгача менга айтмаганингни қара-я! Майли, девор тагида, жўякнинг бошида дединг-а?

— Наҳотки Рикки-Тикки бориб ўша тухумларни ютса?

— Ютиб нима қиламан уларни? Бироқ... Дарзи эсинг жойида бўлса, бир иш қиласан: отхонага ҳаялламай етиб борасан-у, қанотинг сингандай лапанглаб бутазор томон учасан. Нагайна кетингдан қувлайди. Шунда менинг қовун экилган жўякка етиб олишим осон бўлади. Агар ҳозир тўппа-тўғри ўша томонга юрсам, Нагайна сезиб қолиши мумкин.

Дарзининг ақли думи сингари калта экан. У ўзининг митти бошчасига бир пайтда иккита фикрни সিғдира олмас экан. Нагайнанинг болалари ҳам уники сингари тухумдан чиқишини билганидан уларга қирон келтириш инсофсизликдай туюлибди. Хотини ундан ақллироқ экан. У илон тухумидан илон чиқишини яхши биларкан. Шунинг учун Дарзини уйда қолдириб, Рикки кўрсатган томонга учиб кетибди: эри болаларини бағрига олиб, Нагнинг ўлимига аталган қўшиғини барала қўйиб ўтираверибди. Айтганча, Дарзи ҳам бошқа ҳамма эркакларга ўхшаган экан.

Дарзининг хотини гўнг тепага учиб келиб, Нагайнадан атиги икки қадам нарида ёлғондакам жонсарак бўлиб қаттиқ-қаттиқ йиғлай бошлабди:

— Вой-вой, қанотимдан айрилдим! Анув уйда турадиган бола тош отиб қанотимни синдирди! Вой-вой...— у яна қанотларини ёйиб патирлабди.

Нагайна бошини кўтариб вишиллабди:

— Рикки-Тиккини чақмоқчи бўлганимни унга етказибсан-да? Шошмай тур ҳали, оқсоқланишнинг



зап жойини топибсан! — шундай дебди-ю, ер бағирлаб қуш томонга сурилибди.

— Бола тош отиб қанотимни синдирди!

— Майли, сен ўлганингдан кейин болани нима қилишни ўзим биламан. Бугун эрталабдан бери эрим ма-на шу ахлат устида ётибди. Қош қорайгунча бола ҳам нафас олмай қўяди... Хўш, сен қаёққа? Мендан қочиб қутулмоқчисан шекилли? Барибир мендан қутулолмайсан. Менга қара, аҳмоқ!

Дарзининг хотини орқага қарамасликни олдиндан яхши биларкан. Чунки ҳар қандай қуш илоннинг кўзига қарадими, тамом, қўрққанидан турган жойида қотиб қоларкан.

Дарзининг хотини чийчийлаб, қанотларини пириллатиб бир ёнга отилибди. У пастлаб учар, Нагайна эса, унинг орқасидан қувар экан.

Рикки-Тикки уларнинг отхона томонда боғ ичидаги йўл устида қувлашиб келаётганини кўрибди-да, қовун экилган жўякнинг нариги бошига, девор тагига отилибди. У ердан қовунларни пана қилиб турган тупроқ орасида яхшилаб яшириб қўйилган йигирма бешта илон тухумини топиб олибди. Уларнинг ҳар бири бантамжанинг¹ тухумидай келар, фақат пўчоқ ўрнига оқиш пўст билан ўраб қўйилган экан.

— Бир кун ўтганда ҳам кечикардим! — дебди Рикки-Тикки пўст ичида кулча бўлиб ётган майда илонларни кўриб. Уларнинг ҳар бири тухумдан ёриб чиқ-қач, ўша оннинг ўзида одамларни, ё мангусталарни нобуд қилишини аниқ биларкан. Рикки апил-тапил тухумларнинг учидан синдириб, илон болаларини битта-биттадан ўлдираверибди. Шунинг орасида битта-

¹ Бантамка — майда зотли товуқ.

яримта тухум қолиб кетмасин, деб жўякнинг у ер-бу ерини ковлаб ҳам кўрибди.

Бор-йўғи учтагина тухум қолди, деб Рикки-Тикки суюниб турганда, Дарзининг хотини келиб:

— Рикки-Тикки, мен Нагайнани алдаб уйга бошловдим, у айвонга қараб кетди! Оҳ шўрим, тезроқ бўл, тезроқ! Бировни ўлдириб қўймасин!— деб қичқирибди.

Рикки-Тикки яна иккита тухумнинг учидан тишлаб синдирибди-да, учинчисини тишлари орасига олиб, айвонга қараб чопибди.

Тедди, унинг отаси ва онаси айвонда нонушта қилиб ўтиришган экан. Рикки-Тикки узоқдан аҳвол чатоқлигини сезибди. Чунки уларнинг еган нарсалари томоғларидан ўтмай, тошдай қимирламай ўтиришар, ранглари дока бўлиб кетган экан. Теддининг стули ёнида, бўйрада эса Нагайна кулча бўлиб олган экан. У шундай яқин келиб қолган эканки, истаган пайтида Теддининг яланғоч оёғини чақиб олиши мумкин экан. У дам у ёққа, дам бу ёққа тебраниб тантана қўшиғини айтаркан:

— Нағни ўлдирган Катта Одамнинг ўғли, сабр қилиб тур, қимирламасдан ўтир! Мен ҳам тайёр бўлганимча йўқ, учовларинг ҳам жим ўтиринглар. Қимки қимирласа чақаман. Қимирламаса ҳам чақаман. Нағни ўлдирадиган сенмисанлар?!


Тедди илтижо билан отасига тикилиб қолган экан, у бўлса:

— Қимирламай ўтир, Тедди. Қимирлама,— деб шивирларкан, холос.

Худди шу пайт Рикки-Тикки етиб келибди.

— Менга қара, Нагайна, мана мен билан уриш!!!

— Ҳаммасининг ўз вақти бор,— деб жавоб берибди илон у томонга қарамасдан,— сен билан кейинроқ гаплашаман! Ҳозир манави дўстларингнинг ҳолини то-



моша қил. Кўряпсанми, уларингни кўрққанидан тили калимага келмай, ранглари оппоқ оқариб кетди. Бир қадам олдинга боссанг ҳам чақиб оламан.

— Қовун экилган жўякдаги, девор тагидаги болаларингдан хабар олсанг-чи,— дебди Рикки-Тикки,— уларнинг ҳоли нима кечганини бориб кўр.


Илон ёнига бурилиб, айвондаги тухумни кўриб:

— Бер уни бу ёққа!— деб қичқирибди.

Рикки-Тикки тухумни олдинги икки сёғи ўртасига олиб, кўзлари қонга тўлиб ўтираверибди.

— Битта тухум эвазига нима бўлади? Авлодингда қолган энг сўнгги илон, яккаю-ёлғиз илон эвазига нима берасан? Тирик қолгани фақатгина шу. Қолганларининг ҳаммаси чумолиларга ем бўлди.

Нагайна Рикки-Тикки томонга ўгирилиб қарабди. Тухум уни ҳамма нарсани унутишга мажбур қилибди. Теддининг отаси фурсатни бой бермай, боланинг елка-



сидан даст кўтариб олиб пиёлалар қўйилган стол устига, илоннинг бўйи етмайдиган жойга ўтқазиб қўйибди.

— Алдадим! Алдадим! Бопладим! Рикки-чк-чк!— деб илонни масхара қилибди Рикки-Тикки,— Тедди қутулди, мен бугун кечаси ваннахонада сенинг Нагингни қўлга туширдим, билдингми, қўлга туширдим!..

Рикки қувончи ичига сиғмай, оёқларини йиғиштириб, бошини полга эгганича ксптокдай сакраб ўйнай бошлабди.

— Наг мени минг томонга сургаса ҳам барибир улоқтириб ташлолмади. Катта Одам келиб таёғи билан уни иккига бўлиб юбормасидан бурун жони чиққан эди. Уни мен ўлдирдим, мен, Рикки-Тикки-чк-чк! Чиқ бу ёққа Нагайна! Мен билан уришсанг майдонга туш! Бевалигинг ҳам узоққа чўзилмайди.

Нагайна Теддини барибир ўлдиролмаслигини сезибди, тухум бўлса Рикки-Тиккининг қўлида экан.

— Тухумни менга бер, Рикки-Тикки! Охирги тухумимни қайтариб бер, бошқа бу ерга қайтиб келмайман,— деб ялинибди у капюшонини пастга тушириб.

— Ҳалиям кетасан, қайтиб келмайсан Нагайна, чунки ҳадемай Нагинг ёнига борасан. Тезроқ майдонга туш! Катта Одам милтиғига кетди. Мен билан жанг қиласан, Нагайна!

Рикки-Тикки Нагайнанинг тумшуққинасида уни гижинтириб, кўзларини лаққа чўғдай қизартириб тураркан.

Нагайна юмалоқ бўлиб олибди-да, кучининг бори-ча унга ташланибди. Рикки бўлса аввал юқорига, кейин орқага сакрабди. Илон бир неча марта ҳамла қилибди. Лекин ҳар гал унинг калласи бўйрага келиб урилар ва у худди пружина сингари бошқатдан ғужанак бўлиб ўралиб оларкан. Рикки-Тикки унинг орқасига ўтиб олиш учун чир айланар, Нагайна бўлса бурилиб, юзма-юз тўқнаш келишни пойларкан. Шу сабабдан унинг думи шамол учирган қуп-қуруқ барглари сингари бўйрага тегиб шилдирар экан.

Тухум Риккининг эсидан чиқиб кетибди. Тухум айвонда думалаб ётар ва Нагайна тобора унга яқинроқ келишининг пайида экан. Ниҳоят, Рикки нафасини ростлаб олиш учун тўхтаганда, Нагайна тухумни ола солиб, айвоннинг пиллапоясидан сирғалиб тушиб, йўлдан ўқдай отилибди. Рикки-Тикки унинг кетидан тушибди. Заҳарли илон ажалдан қочса, отлиқлар ишлатадиган қамчинга ўхшаш буралиб-буралиб кетган из қолдираркан.

Рикки-Тикки нима бўлса ҳамки илонга етиб олиши зарурлигини, акс ҳолда ҳамма ташвишлар бошқатдан бошланишини билиб тураркан. Илон қалин ўтлар орасига кириб яшириниш учун тоғолча дарахтини кўзлаб бораркан.

Рикки-Тикки Дарзи ҳанузгача бемаъни ашула айтаётганини эшитибди. Лекин боя айтганимиздек, Дарзининг хотини ундан ақллироқ экан. У инидан учиб чиқибди-да, Нагайнанинг бошига желиб қанот қоқа бошлабди. Агар Дарзи ҳам унга ёрдамга келганда эди, балки улар илонни орқага чекинишга мажбур қилган бўларканлар. Ҳозир Нагайна капюшонини салпал тушириб, тўппа-тўғрига кетаверибди. Унинг шу салгина секинлашиши ҳам Рикки-Тиккини унга анча яқинлаштириб қўйибди. Нагайна Наг билан яшайди-

ган ғорига лип этиб кириб кетаётганида Рикки унинг думидан маҳкам тишлаб олибди. Орқасидан у ҳам ғорга кириб кетаверибди. Ҳақиқатини айтганда, ҳар қандай мангуста кўпни кўрган, ақлли бўлса ҳам илоннинг орқасидан ғорга киришга журъат этолмас экан. Ғорнинг ичи қоп-қоронғи экан, Рикки-Тикки ғорнинг қаерда кенгайишини ва Нагайна орқасига ўгирилиб чақа олишини тасаввур қила олмас экан. Шунинг учун у жон-жаҳди билан илоннинг думига ёпишиб олибди ва олдинги оёқларини тормоз ўрнида ишлатиб, кучининг борица нишаб жойга — ҳўл ва илиқ ерга тирмашиб олибди.

Кўп ўтмай ғорга кираверишдаги ўтлар қимирламай қолибди.

— Рикки-Тикки оламдан ўтди. Энди унга марсия айтишимиз керак. Ботир Рикки-Тикки ҳалок бўлди. Турган гап, Нагайна уни ер остидаги уйида ўлдиради.

Дарзи ўша заҳотиёқ тўқиган марсиясини бошлабди. Лекин у марсиянинг энг оғир жойига етар-етмас ғор оғзидаги ўтлар яна қимирлаб, у ердан лойга беланган Рикки-Тикки мўйловини қимтиб, қоқила-суқила чиқиб келибди. Дарзи ҳайратдан қичқириб юборибди-да, дарров марсияни тўхтатибди.

Рикки-Тикки устидан чангини қоқиб, чучкириб юборибди.

— Тамом бўлди,— дебди у,— у бева энди ҳеч қачон бу ёққа чиқмайди.

Ўтлар танасида яшайдиган қизил чумолилар ҳам Рикки рост айтяптими, йўқми деб, кўриб чиқиш учун бирин-кетин ғорга туша бошлашибди.

Рикки-Тикки саватдай жойни эгаллаб, шу ернинг ўзида, ўт устида то қош қорайгунча мириқиб ухлабди. Ахир жанг қилиб чарчаган экан-да!

Уйқудан тургач, Дарзига:

— Мен энди уйга борай. Сен Темирчига бориб Нагайна ўлганини айт, у қолтанларга айтиб чиқади деб тайинлабди.

Темирчи деганимиз — қуш. Унинг овози болғачани мис тоғорага урганда чиқадиган товушга ўхшайди. У, Ҳиндистоннинг ҳар бир боғида жарчи ҳисобланади ва ҳаммага янги хабарларни етказди.

Рикки-Тикки боғдаги йўлжакдан келаркан, Темирчи қушнинг бонг урилгандагидан кўра жаранглироқ овозини эшитибди. Бу: «Жим бўлинглар ва тингланглар!» деган маънони ифодаларкан. Кейин баланд овоз билан эълон қила бошлабди:

— Динг-донг-ток! Наг ўлди! Донг! Нагайна ўлди! Динг-донг-ток!

Бир зумда боғ ичини қушларнинг сайраши, қурбақаларнинг қуриллаши босиб кетибди. Чунки Наг билан Нагайна қушларни ҳам, қурбақаларни ҳам ютишар экан-да!

Рикки уйга яқинлашганда, Тедди, унинг ойиси (унинг юзи ҳамон оппоқ экан) ва дадаси унга пешвоз чиқишибди. Улар йиғлаб юборишдан ўзларини зўрға тийиб қолишибди. Ўша кеч уни шундай сийлашибдики, ҳар қанча еса бўларкан-у, лекин қорни дарров тўйиб қолибди. Ухлайдиган вақт бўлганида эса, Теддининг елкасига миниб, унинг хонасига кириб кетибди. Кечқурун Теддининг ойиси ўғлидан хабар олиш учун ичкари кирганда Риккига кўзи тушибди.

— Бу бизнинг халоскоримиз!— дебди у эрига,— айтишга осон-а, ахир у Теддини, сени ва мени ўлимдан сақлаб қолди.

Рикки-Тикки уйғониб кетиб, ҳатто бир сакраб тушибди, нега деганда мангусталарнинг уйқуси зийрак бўларкан.

— Ҳа, сизмисиз? — дебди у, — яна нимадан таш-

виш қиласизлар: биронта ҳам илон тирик қолмади-ку, тирик қолгани бўлсаям — ахир бу ерда мен борман-ку.

Рикки-Тикки ҳар қанча фахрланса арзиркан. Лекин у мақтанчоқлик қилмасдан, ҳақиқий, асл мангуста бўлганидан бу боғни тиш-тирноғи билан ҳушёр туриб қўриқлар, шунинг учун ҳам биронта заҳарли илон девор оша бу ёққа ўта олмас экан.



Чевар қуш Дарзининг ботир Рикки-Тикки-Тави


ШАЪНИГА АЙТГАН ҚЎШИҒИ

Менинг икки ҳаётим бор,
Қўкда хониш ўқийман.
Ерда касбим тўқувчилик,
Япроқдан уй тўқийман.
Ерда, қўкда менга иш —
Уй тўқиш ҳам куй тўқиш.

Қувон эй она меҳрибон,
Қувон, ёв бўлди яксон,
Темир қанот жўжаларинг
Қолди ўлимдан омон.
Душман кўзи юмулди,
Қора ерга кўмилди.

Ким бизларни этган халос?
Ким ёвни қилди яксон?
Рикки — бизнинг қўрқмас ботир.
Тикки — бизнинг қаҳрамон.
Рикки-Тикки зўр полвон,
Рикки-Тикки қаҳрамон.

Қаҳрамоннинг шуҳратига
Думларингни қил байроқ!
Булбул, унга куй тўқигин,
Қуйла фақат баландроқ.
Йўқ, қуйлайман мен ўзим,
Эй, Рикки — олов кўзим!



МУНДАРИЖА

Қилтомоқ кит ҳақида	3
Туянинг ўркачи қандай пайдо бўлган	12
Каркидоннинг янги пўстини қандай пайдо бўлган	22
Фил боласи	27
Зирҳ тўнли ҳайвонлар қандай пайдо бўлган	43
Энг биринчи хат қандай ёзилган эди	60
Дайди мушук	81
Дунёни остин-устин қилиб юборган капалак	106
Рикки-Тикки-Тави	124

КИЧИК ВА ЎРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

Р. КИПЛИНГ

РИККИ-ТИККИ-ТАВИ

(Сказки)

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1964 г.

В. Дувидов расмлари, муқовани И. Рахнаев ишлаган

Редактор С. Сайдалиева. Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Т. Раҳимов. Корректор М. Азимбоева

* * *

Босмахонага берилди 23/X 1963 й. Босишга рухсат этилди 24/III-1964 й.
Формати 60×84¹/₁₆. Босма листи 9,75. Шартли босма листи 9,1. Нашр. листи 6,9.
Тиражи 10 000.

„Ёш гвардия“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 59—63.

* * *

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти ва
босмахонаси, Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, уй № 26. 1964 й.
Заказ № 4436. Баҳоси 40 т.